



МУНОСАБАТ

МАЪНАВИЙ МЕРОС — МАНГУ ХАЗИНА



Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

Бошланиши 1-бетда

Бу дунёнинг бор нозу неъматларини Яратган инсон учун бунёд этган, айти пайтда улар она табиатнинг махсули бўлиб яралган. Тараққиёт, бунёдкорлик эса ўша ақлу заковатнинг бир маҳсули. Шунинг учун ҳам тафаккур эгаларига бешикдан қабргача “илм излаш” буюрилган.

Айни пайтда, инсон бўлиб яшашнинг ўз қонуниятлари бор. Табиат измига бўйсунishi, унга қарши бормаслик — бу қонунларнинг аввали. Биз ёзилган ва ёзилмаган қонунлар ҳақида фикр юритамиз-да, уларга гоҳ бевосита, гоҳ билвосита амал қиламиз.

Назаримда, ҳақиқат ва адолатга бўлган кучли интилиш, мазмунли ҳаёт орузи, истаги тафаккур ривожланган жамиятларда биринчи бўлиб шаклланган. Ҳалол ва пок яшаш учун, айти пайтда ўзини ишончли ҳимояси учун қонун шаклидаги ҳуқуқий асослар ихтиро қилинган, одамлар, жамият давлат амал қиладиган, бўйсунадиган қоидалар ишлаб чиқилган. Шу маънода айтсак, қонун бу инсон қадрининг синмас, ёнмас қалқони.

Қонунчилик соҳасида катта тажриба тўплаган мамлакатлар эса фурсатлар келиб, давлат ва халқнинг ҳуқуқий паспорти, қонуний ташриф қоғози бўлиши — конституцияни яратишга муваффақ бўлди. Бугун, ҳеч шубҳа йўқки, ҳар бир давлатнинг юксак юридик кучга эга бўлган Асосий қонуни, барча жорий қонунларнинг асосига айланиб улғурди.

Агар бир оз шоирона ҳаяжон билан ифода этсак, Конституциямиз — миллатимиз, халқимиз, давлатимиз қадри учун Қонун тимсолида қўйлаётган ҳайкал. Янги тамаддун истиқболига ёқилаётган чирок.

Бинобарин, доно халқимизда “замон сенга боқмаса, сен замонга боқ” деган пурмаёно нақл бор. Янги Ўзбекистонимизни янги имкониятлар оламига олиб чиқиш, ривожланган давлатлар сафиди, тенглар ичра тенг бўлиб тараққий топиши учун Конституциямизга бир қатор ўзгаришлар киритишни даврининг ўзи ҳам жиддий талаб этаяпти. Бу муҳим жараёни Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг халқимиз бахт-саодати, фаровон ҳаётини ўйлаб, ҳамиша ўз вақтида киритаётган

хайрли ташаббусларининг мантикий давоми деб баҳоласак, ўйлаймани, тўғри бўлади.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституциясига ўзгариш киритиш ва ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш юзасидан Конституциявий комиссия аъзолари билан 20 июнда бўлиб ўтган учрашувда таъкидлаганидек, “Халқимиз сиёсий-ҳуқуқий тафаккурининг ёрқин ифодаси бўладиган янгилаётган Конституциямизга таяниб, янги Ўзбекистонни албатта бирраликда барпо этамиз”. Зеро, биз мана шундай ўзгаришларга тайёр ва асосийси, янада яхши шароитларда яшашга муносиб халқмиз.

Миллий урф-одатларимиз — миллий ўзлгимиз

Эркин фикр — ҳаёлига, оғзига келган сўзни демек эмас. Балки бу ақлий ва маънавий хуррам яшашга берилган имконият деб ўйлайман. Чинакам эркин фикрни ким айтди? Маънавий пок инсон айтди. Унинг Яратган олдида ҳам, алу эрт олдида ҳам ҳамиша юзи ёруғ. Биз миллат сифатида бир жиҳатимиз — яъни миллий урф-одатларимиз асоси, тамол тоши покликка қурилгани, ҳалол ниятдан яралгани билан ҳар қанча фахрлансак арзийди.

Шу боис, мен янгилаётган Конституциямизда миллий урф-одатларимиз ва маънавий меросимизни сақлаш борасида олдимизда турган вазифаларга, миллат фарзанди сифатида бурчимизга ўз муносабатимни билдирсам.

Аввало, шуни айтиш жоизки, урф-одат деганда, кундалик турмуш таризимизга сингиб кетган, кези келганда тақдорлиб турадиган хатти-ҳаракат, аксарият аҳоли томонидан қабул қилинган ҳулқ-атвор қоидалари тушунилади.

Фақат бизнинг халқимизга, миллатимизагина хос бўлган гўзал ва бетакдор қадриятлар — миллий урф-одатларимиз қадимдан таркиб топган миллий анъана, одат, расм-русум, таомил, маросимларимиз силсиласида яшаб келаётир. Буюк халқларнинг азалий анъанасига айланиб қолган ҳар бир маросим миллийлик қобигидан чиқиб, умуминсоний қадрият сифатида баҳоланади. Аслида ҳам бир одам ёки олим эзгу ниятда яратган маънавий, маърифий, илмий бойлик ўз-ўзидан умумбашар бойлигига айланади. Тили, дили, турмуш тарзи бир-бирига яқин бўлган қўшни халқларни бирлаштиради. Умумбашарий одатлар қардош миллатлар орасида бир-бирини боғловчи кўприкларни вужудга келтиради.

Албатта, бу маданий ва маънавий меросни асраб-авайлаб, келажак авлодларга безавол етказиш ҳар биримизнинг ҳам инсоний, ҳам фарзандлик бурчимиз. Аммо шуни унутмаслик жоизки, замон шиддат билан илдамламоқда. Яъни кеча янгидек, долзарб бўлиб туолган ихтиро ёки фикр бугун қарийб ўз аҳамиятини йўқотиб, янги-янгиланишни, бутунлай такомиллашувни талаб қилмоқда. Биз давр билан ҳамнафас одимлашни истар эканмиз, бу омилини асло унутмаслигимиз лозим. Айнан шу жойда ҳаёт биздан боболар тили билан айтганда “етти ўлчаб бир кесишни” ҳам талаб қилади. Шошма-шошарлик билан, енгил-епли уй-хаёлга бориб, қадимий урф-одатларимизни ҳаспўлашимиз керак эмас. Аксинча, уни бугунги замон илму маърифати нурига йўғириб, барча давр ва умуминсоният учун заруратини англаб, келажак авлодларнинг қўлига ҳам, дилига ҳам, тилига ҳам тутмоғимиз зарур.

Жамият

Зеро, миллий анъаналаримиз, қадрият ва урф-одатларимизга ҳурмат. Ватанга садоқат каби олижаноб туйғуларни шакллантириш, уларни “оммавий маданият” ҳуружларидан асраш, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий тараққиётига ўз ҳиссасини қўшаётган иқтидорли ва истеъдодли иждоқорлар, ижтимоий фаол навқирон авлод вакилларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг маънавий баркамол шахс бўлиб вояга етишлари, жамиятда ўз ўринларини топишлари учун кўмаклашиш билан боғлиқ моддага зарурат бордек.

Бунинг амалдаги исботини яқинда Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ёшлар кўни муносабати билан сўзлаган нутқида ёрқин намоён этди. Янги Ўзбекистон ёшлари муҳтож бўлиб турган қайсики соҳа бор, бирортаси давлатимиз раҳбари назаридан четда қолмаган. Президентимиз томонидан ёш авлодга қўрсатилаётган ғамхўрликнинг қўлами шу даражада улугвор.

Янги Ўзбекистон ёшларидан эса эвазига фақат бир нарсa сўралапти. Ватанга садоқат билан тинимсиз ўқиб-изланиб, замонавий билимларни эгаллашдан тўхтамай, қўлни-қўлга бериб, бир байроқ остида Янги Ўзбекистон кудратига — Учинчи Ренессанс бунёдкорларига айлансин! Академик шоиримиз Ғафур Ғўлом айтганларидек:

**Сиз ахир осмонни олмоқ бўлсангиз,
Не учун елқамни тутиб бермайин.**

Жонқуяр Президентимиз бутун вужуди билан ушбу оташин сатрларнинг амалий ижроҳисига айланигани нафақат тадбирда иштирок этган 220 минг нафар навқирон авлод вакиллари, балки 17 миллиондан зиёд Ўзбекистон ёшлари ҳамда уларнинг ота-оналари ҳам эътироф этмоқда.

Маънавий тараққиёт — маънавий маъмурлик

Юртбошимизнинг “Янги Ўзбекистон стратегияси” китобидаги маънавий тараққиёт бўлими мазкур фикрлар билан очилади: “**Менинг назаримда, инсоният дунёсининг буюк бир ёриткичи — маънавият чирғи бор.**

Бу чирокнинг бошқалардан фарқи шуки, у инсоннинг онги ва тафаккурини ёритади, қалби, виждонини уйғотади, одамийлик ҳиссини кучайтиради.

Ўзбекистоннинг янги уйғониш даврини яратишга киришган эканмиз, ҳар бир юртдошимизнинг қалби ва онгида ана шундай маънавият шугўласи порлаши ва у бизни эзгу ишларга ундаб, юксак масъулият туйғуси билан яшашга даъват этиб туриши зарур”.

Дарҳақиқат, масъулият туйғуси билан яшаган инсон миллатнинг бойлиги, иймон-эътиқода мустаҳкам, маънан етук инсон тимсолидир. Шу ўринда айтиш лозимки, маънавий мерос — маънавий тараққиёт махсули. Инсон ақл-заковати билан яралган тафаккур ёдуси. Буюк аждодларимизнинг тафаккур ёдуси бугун бутун оламга ва одамлар қалбига ўз нурини таратмоқда. Дипларни дилларга, элларни элларга маънавият риштаси ила боғлаяпти. Хушёрликка, бирдамликка қорлаяпти.

“Жаҳолатга қарши — маърифат” деган эзгу гоя Конституциямизнинг туб моҳиятида янада кенгрок акс этмоғи керак. Давлатимиз раҳбари “**Янги Ўзбекистон стратегияси**” китобида “Мамлакатимиз-

МАЪНАВИЙ МЕРОСЛАР ТИПИГА БУЮК ЁЗУВЧИ ВА ШОИРЛАРИМИЗНИНГ ДАСТЛАВКИ МАШҚЛАРИДАН ТО КАМОЛОТ КАСБ ЭТГУНИГА ҚАДАР БЎЛГАН ФАОЛИЯТИГА МАШЪАЛ ТУТГАН МАТБҲОТ, ЯЪНИ ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРНИ ХАМДА БАДИЙ ВА ИЛМҲИЙ КИТОБЛАРНИ ХАМ КИРИТИШ МУМКИН.

нинг кейинги даврга мўлжалланган тараққиёт стратегиясида албатта маънавий-маърифий ислохотларга алоҳида бўлим ажратилиши даркор, деб ҳисоблайман. Ўзбекистоннинг 2022-2032 йилларга мўлжалланган маънавий тараққиёт стратегиясини ишлаб чиқиши ва уни давлат сиёсатининг таркибий қисмига айлантиришни талаб қилмоқда”, дея бежиз айтмаган.

Шунинг учун ҳам бу йўналишда миллий урф-одат ва қадриятларимизни тиклаш, хусусан, буюк боболаримиз ва мутафаккирларимизнинг буюк меросини теран ўрганиш, уларнинг қадимжоларини обод қилиш, тарихий обидаларини асраш, уларни келгуси авлодларга замонавий таъсирчан усулларда етказиш каби хайрли ишларни янада кенгрок миқёсда амалга ошириш лозим. Буюк олимларимиз, ёзувчи ва шоирларимиз ҳаёти ҳамда илмий ва адабий меросларини ўрганишга, ўргатишга алоҳида эътибор қаратиш зарур.

Шуни унутмаслик жоизки, маънавий меросларимиз ёшлар таълим-тарбияси ёки миллат сифатидаги салоҳиятимизни эмас, балки халқимиз хавфсизлигини, тинчлигини мустаҳкамлаш ва одамларнинг ўзаро ҳурмат, инсон ҳуқуқлари ҳимояси, муроса ҳамда ўзаро англашув каби омиллар шаклланишига ҳам хизмат қилади.

Янгилаётган Конституциямизда миллий урф-одатларимиз ва бой маънавий меросимизни сақлаш борасида модда боғлиғини инкор этмаган ҳолда, бир тақлиф қилмоқчиман.

Зеро, маънавий мерослар типига буюк ёзувчи ва шоирларимизнинг дастлабки машқларидан то камолат касб этгунига қадар бўлган фаолиятига машъал тутган матбўот, яъни газета ва журналларни ҳамда бадий ва илмий китобларни ҳам киритиш мумкин. Уларнинг ўрнини бутунлай электрон шакллар эгаллашига, келгуси авлод китоб ва матбўотни фақат тарихий қўрсатувлар ҳамда музейларда қўришдек аянчи ҳолатга тушиб қолишдан сақланиш лозим.

Бунинг учун янги Конституциямизга айнан матбўот ва китобларнинг тақдирини, эртанги ва ундан кейинги кўнлар билан боғлиқ муҳим ва аниқ модда киритиш жоиз.

Шу ўринда яна Президентимизнинг Ёшлар кўнига бағишланган тантанали анжумандаги фикрлари ёдимага тушади. Уларнинг қанчалар узоқни қўзлаб айтилган даъват эканини эътироф қилмасак, адолатдан бўлмас: “**Ёшларнинг таълим олишига эътибор қаратиш билан бирга китобхонлиқни янада кучайтиришимиз зарур. Шу мақсадда маҳаллардаги ёшлар етакчилари ҳар бир кўча кесимида китобхонлик танлови, “Заковат” ва бошқа интеллектуал уйинларни йўлга қўяди. Бундай танловлар ҳар ҳафтада —**

маҳалла кесимида, ҳар ойда — туман миқёсида ва ҳар чоракда вилоят даражасида ўтказиб борилиши керак. Бу орқали 2 миллионга яқин ёшлар қамраб олинади.

Шу билан бирга, вилоятлар, туман ва шаҳар ҳокимлари ҳар бир мактаб кутубхонасига камидан мингтадан янги бадий адабиётларни етказиб беради”.

Мамнуният билан шуни айтиш керакики, Конституциямиз умуминсоний гоялар — тенглик, эркинлик, биродарлик, халқлар ва миллатларга дўстлик, мамлакат ва дунё барқарорлиғи каби қонуний асосларни ўзида муҳкассам этган ҳамда мавқеини бугун ҳам сақлаб қолмоқда. Шунингдек, халқимиз фаровонлигини янада оширишнинг ҳуқуқий кафолати бўлиб қолмоқда.

Шу улў мақсадлардан келиб чиқиб, қўйдаги тақлифларни ҳам бермоқчи эдим:

Биринчиси — ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган, аммо уни мустаҳкамлаш, янада таъсирчан аҳамиятини ҳосил қилиш учун имло билан боғлиқ модда ёки банд киритиш;

иккинчиси — юртимизда Наврўз байрами, Рамазон ва Қўрбон ҳайитлари умумхалқ байрами каби байрамлар сирасига Тил байрамини ҳам киритиб, ҳатто дам олиш кўни сифатида белгилаш; учинчиси — миллий урф-одатларимизнинг қайта тикланиши, муҳофаза қилинишида, шунингдек, маънавий меросимизни асраб-авайлаш, бойитиш ва халқимизга етказишда Бош қонунимизнинг ўрни беқиёс бўлмоғи зарур.

Мухтасар айтганда, нафақат буюк аждодларимиз, балки яқин ўтмишдаги ватандошларимизнинг ҳам етти ухлаб тушига қирмаган дориломон замонда яшаш бахти бизга насиб этиб турибди. Хўр фикрли инсон учун нимаки зарур бўлса — ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий-сиёсий, маънавий-маърифий соҳада кундан-кўнга яхши имкониятларга эга бўлиб борямиз. Биздан фақат шу қўнларнинг қадрига етиш, шунингдек, барқарор тинчлигимизни янада мустаҳкам тутиш, аҳиллик, бирдамлик, эртанги фаровон ҳаётимизни таъминлашда ўз ўрнимиз, ўз қадримиз билан яшаш, янгилаётган Конституциямиздаги инсонпарвар гояларга содиқ қолиш сўралапти. Шунчаки сўралаётгани йўқ, балки бу жараёнда фаол иштирок этишимиз, ўз келажакимиз учун дахлдор илгор тақлифларни илгари суришимиз, ҳаммиса уйғоқ ва сергак бўлмоғимиз илтимос қилинмоқда. Бу жихатдан давлатимиз позицияси бугунги демократия тамойилларига ҳам, умуминсоний тамойилларига ҳам тўла жавоб беришини айтиш жоиз. Дунё тарихида неча бор тамаддуларга доя бўлган маърифатпарвар миллатимиз бу завороти вазифани ҳам юксак даражада адо этишига шубҳамиз йўқ.

ИЖТИМОИЙ ҲИМОЯ



Комила КАВЛОНОВА,
Фарғона вилояти ҳокими ўринбосари —
Оила ва хотин-қизлар бошқармаси бошлиғи

Вилоятимизда оилавий ажралишлар билан боғлиқ ҳолатлар ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 273 тага ортган. Бундай ҳолатлар тахлилга кўра, ажралишларнинг асосий қисми фарзандсизлик, эр-хотин ўртасидаги келишмовчилик бўлса, яна бир жиҳати учинчи шахсларнинг аралашувига тўғри келмоқда. Жойларда ташкил этилган Ёшлари оилавий ҳаётта тайёрлаш марказларида ёш никоҳланувчиларга оила илмидан етарлича билим берилмаётгани, баъзи туманларда ушбу марказлар етарлича фаолият қўрсатмаётгани ҳам оилавий ажралишлар қўпайишига олиб келмоқда. Бу рақамлар мушоҳада қилишга қорлайди. Ота уйига бегона бўлган, фарзандларини етаклаб ижарада ўтирган, айниқса, ота-онасидан кейин ўзи ўсган уйига сиймай бошлана сураб юрганлар кам эмас? Етим қолган фарзандларга ота меҳрини ким бера олади?

Қушнинг ҳам ини бузилмасин

Янги оилаларни шакллантириш, тоғувлиқни таъминлаш, нотинч оилалар билан мунтазам профилактик ишлар олиб бориш бугунги кўнинг муҳим амал-

ларидан. Шу мақсадда вилоят Хотин-қизлар жамоатчилиги кенгаши аъзолари 1062 та маҳалла фуқаролар йиғинида яраштириш комиссиялари иш фаолият самарадорлигини оширишга эътибор қаратмоқда. Ўзбекистон мусулмонлари идораси, ички ишлар, адлия, суд, ёшлар вакилларидан иборат штаб ташкил этилди. Дастлаб ажралиш ёқасига келиб қолган, ФХДЁ ва суд органларига бу ҳақда ариза билан мурожаат қилган оилалар рўйхати шакллантирилиб, ҳар бир оила билан алоҳида ишлаш тизими жорий этилди. Ижтимоий ҳимояга муҳтож, нотинч оилалар, пробация ва профилактика ҳисобида турган хотин-қизлар рўйхати шакллантирилиб, аниқланган муаммолар юзасидан манзилли “Йул харитаси” ишлаб чиқилди.

Кенг жамоатчилик иштирокида “Барча кучларни бирлаштириб, ҳар бир оилада соғлом муҳитни қарор топтирайлик” шiori остида маънавий-маърифий тадбирлар, юзма-юз мулоқотлар, тарғибот тадбирлари ўтказиб келинмоқда. Ҳар ойнинг иккинчи ҳафтаси вилоятда “Оилаларни мустаҳкамлаш ҳафталиғи” деб эълон қилинди. Хотин-қизлар тадбиркорлик марказининг туман ва шаҳар филиаллари ўқув курсларини ташкил этиш учун ҳудудлардаги касб-хўнар мактабларида ўқув ва ижтимоий мослашув хоналари

ташкил этилди. Бу ерда ижтимоий ҳимояга муҳтож, нотинч оилалар пробация ва профилактика ҳисобида турган аёллар ва уларнинг оила аъзоларига ижтимоий-ҳуқуқий, тиббий ва психологик ёрдам қўрсатиш тизими жорий этилди. Вилоят Маҳалла ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш бошқармаси билан биргаликда эҳтиёжманд оилаларнинг тадбиркорлик, касб-хўнарга ўқиш истиғида бўлган вакилларига Хотин-қизлар тадбиркорлик марказида ўқиш учун йўлланмалар берилди. Шунингдек, умумтаълим мактабларининг ўқити синф ўқувчилари ўртасида “Отам-онам — менинг фахрим”, “Мен ва оилам”, “Оила муқаддас”, “Бахтли оила асослари” мавзусида давра суҳбатлари ва семинарлар ташкил этилди. Ҳар бир маҳаллада “Оқила аёллар” ҳаракати йўлга қўйилди. Улар нотинч ва ажралиш ёқасига келиб қолган оилалар билан манзилли иш олиб бормоқда. Нотинч оилалар, янги оила қураётган ёшлар, қайнона ва қайната, қуда-андалар билан оилаларни сақлаш, тўйларни камчиқми, ортқича дабдабаларсиз ўтказиш мақсадида учрашув ва суҳбатлар ташкил этилапти. Оила муқаддаслигини тарғиб қилиш, эр-хотиннинг ҳуқуқ ва бурчлари, ота-оналик масъулиятини ошириш борасидаги тарғибот ишлари ҳам ўз самарасини бермоқда.



Нотинч оилалар муаммолари психолог ва ҳуқуқшунослар иштирокида ўрганилиб, ажралиш ёқасидаги жуфтликка психологик ёрдам бериш тизими йўлга қўйилди. Натижада ўтган ойнинг ўзида ажралиш ёқасида бўлган 300 дан ортқича нотинч оила яраштирилди. Эрта никоҳ билан боғлиқ салбий ҳолатлар қайд этилмади. Бундан ташқари, ноқонуний никоҳда яшаётган 316 та оиланинг никоҳи қонуний расмийлаштирилди.

Манзилли кўмак

Аҳолининг ночор қатламинини қўллаб-қувватлаш, етмаганига енг, йиртилганига ёқа бўлиш халқимизга хос вазифалардан.

Хотин-қизлар муаммосини ўрганиш ва ҳал қилиш, моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга қаратилган манзилли чора-тадбирлар аҳоли оғирини енгил, узогини яқин қилиш имконини бермоқда. Хусусан, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларга, ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини

ёлғиз тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оилаларга арзон уй-жойлар бериш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу кўнга қадар ишчи гуруҳ томонидан ушбу тоифаларга кирувчи 154 нафар фуқароннинг уй-жойи бошланғич тўловлари Хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси маблағлари ҳисобидан тўланди. Шунингдек, 420 нафар ногирон хотин-қизга реабилитация восталари олиб берилди. Жарроҳлик амалиёти орқали даволанишга муҳтож бўлган, “Аёллар дафтери”, “Ёшлар дафтери” ва “Темир дафтар”га киритилган 79 нафар хотин-қизга талаб этилган маблағлар ўтказиб берилмоқда.

Шунингдек, “Аёллар дафтери”га қирган 79 минг 463 нафар хотин-қизнинг “Индивидуал дастур”лари тўлдирилди ва бугунги кўнда 300 нафар хотин-қизга 316 миллион сўмлик бир марталик ёрдам, 40 нафар ишсиз аёлга тикув машиналари, 1425 нафарига озиқ-овқат маҳсулотлари берилди. Келгусида ишсиз 27 минг 983 хотин-қиз бандлигини таъминлаш,

49 минг 376 нафар эҳтиёжманд хотин-қизга 53 миллиард сўмдан ортқича бир марталик моддий ёрдам, 367 нафар эҳтиёжманднинг уй-жойини таъмирлаш, 929 нафарини уй-жой билан таъминлаш, 1175 нафарига уй-жой учун ижара компенсациясини тўлаб бериш, 177 нафар эҳтиёжманд хотин-қизнинг томорқадан фойдаланишига амалий ёрдам бериш ва тиббий, ҳуқуқий, психологик ва бошқа қўшимча ёрдамлар қўрсатиш режалаштирилган.

Фаровонлик кафолати

Бандлик масаласи ечими ҳар жиҳатдан тадбиркорлик соҳаси ривож билан чамбарчас боғлиқ. Боиси, ишбилармон ўз оиласи даромад манбаини йўлга қўйиш баробарида бошқаларни ҳам ишли қилади. Шу сабабли тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш, бу йўмшга қўл ураётган ташаббускорларни қўллаб-қувватлаш диққат марказимизда.

“Ҳар бир оила — тадбиркор” дастури доирасида жорий йилнинг шу қунига қадар 14 минг 335 оилага 583 миллион сўмдан ортқича имтиёзли кредит ажратилиб, уй шароитида оилавий тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш орқали бандлиги таъминланди.

Айниқса, хотин-қизларга бу борада яратилаётган имкониятлар эътиборга молик. Бугун жами 23 минг 346 хотин-қизнинг бандлигини таъминлаш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Шу кўнга қадар 10 минг 400 нафар ишга жойлашди. 6 мингдан ортқича хотин-қиз жамоат ишларига жалб этилди. 7600 нафарига ишсизлик нафақаси тайинланди. 490 нафарига Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратилди. 5 минг 589 хотин-қиз ўзи танлаган касб-хўнар йўналишларида ўқишга жалб этилди.

Мухтасар айтганда, ҳар бир оила, ҳар бир фуқаро бугун ўз бераётган ўзгариш ва янгилинишларни ўз кундалик турмуши мисолида қўриб турибди. Бу эса халқимизнинг бугунидан рози, эртасидан кўнгли тўқ бўлиб яшашига амалда замин ҳозирланаётганидан дарак беради.

ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ

ИСЛОҲОТЛАР ИФОДАСИ:
ХАЛҚПАРВАР ВА АДОЛАТЛИ ДАВЛАТ ҚУРИШ
УЧУН БАРЧА ИМКОНияТЛАР БОР



Наим ОБЛОМУРОДОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор

Бошланиши 1-бетда

Инсон қадрини улуғлаш

2022 йил мамлакатимизда “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” деб эълон қилинди. Шу боис, Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида шахс, инсон қадри биринчи ўринга қўйилиб, “**инсон — жамият — давлат**”, деган янги тамойил асосида чора-тадбирлар қўрилади. Хусусан, 2026 йилгача эҳтиёжманд аҳоли ижтимоий нафақа ва моддий ёрдам билан тўлиқ қамраб олинади. 2022 йил 1 апрелдан Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида 1-4-синф ўқувчилари мактабда бепул овқат билан таъминланган бўлди. 2023 йил 1 январдан пенсияни ҳисоб-китоб қилишда иш ҳақининг максимал миқдори пенсияни ҳисоблаш базавий миқдорининг 10 баробаридан 12 баробаригача оширилиши белгиланди. Яқин беш йиллик тарихимизга назар ташланса, ўтган қисқа давр мобайнида инсон қадрини улуғлашга қaratилган сaй-ҳаракатлар туфайли Тошкент шаҳри ва ҳудудларда барча шароитларга эга бўлган қарийб 30 минг ўринли даволаш масканлари барпо этилди. Улар зарур дори-дармон, химия ва энг замонавий диагностика воситалари билан таъминланди. Пандемияга қарши курашиш учун 200 мингдан зиёд тиббиёт ходими, жумладан, чет эллик малакали шифокор ва мутахассислар жалб этилди. Хориждан 600 мингдан ортиқ ватандошимиз юртимизга олиб келинди. Чет элда қийин аҳволга тушиб қолган 100 мингга яқин фуқароларимизга зарур ёрдам кўрсатилди.

Маҳалланинг “фаол модели”ни жорий этиш, уни аҳоли муаммоларини бевосита ҳал қилиш ҳамда худудни ривожлантириш учун зарур ресурслар ва имкониятлар билан таъминлаш мақсадида 2022 йилда маҳаллаларда янги институт сифатида жорий қилинган тадбиркорликни ривожлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича туман (шаҳар) ҳокими ёрдамчилари ҳамда ёшлар етакчилари фаолияти самаралли йўлга қўйилди. Маҳаллалар ўсиш нукталари ва уларда яшовчи аҳолининг тадбиркорлик фаолиятидаги иxtисослашувидан келиб чиқиб, фуқароларни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизими самарадорлиги оширила бошланди.

Тараққиёт стратегияси тўғрисидаги фармонда белгиланганидек, маҳаллада этикомат қилаётган аёлларга пенсия ҳисоблашда уларнинг болани парвардилаш таътилида бўлиш вақтининг ҳаммасини ҳамлағанда иш стажига қўшиб ҳисобланадиган 3 йиллик даврни 6 йилга ошириш, бололикдан ногиронлиги бўлган болаларга 18 ёшгача қаралган даврни пенсия тайинлимини янада соддалаштириш ва аҳолига қўшимча қўлайликлар яратиш, ушбу йўналишда бошланган ислохотларни яқунига етказиш қайд этилгани аҳамиятли.

Инсон қадрини улуғлашнинг муҳим тамойили — жиноят, жиноят-процессуал ва жиноят ижроия қонунчилигини тақомиллаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тизимида инсонпарварлик тамойилини кенг жорий этишдан иборат қилиб белгиланиши ва қийноқларнинг олдини олиш бўйича превентив механизмларни тақомиллаштириш ҳамда ушбу йўналишда махсус қонун қабул қилиш зарурлиги илгари сурилгани ҳам Янги Ўзбекистонда инсон қадрини улуғлашга қаратилган муҳим чоралардан биридир.

Ижтимоий сиёсат. Янги Ўзбекистонда ижтимоий химоя соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш, ижтимоий сўғурга тизимини яратиш, жумладан, ижтимоий сўғурга жамғармасини ташкил этиш, кам таъминланган оилаларга ижтимоий ёрдам ва хизматларни ижтимоий шартнома асосида тақдим этиш белгилангани бежиз эмас. Бунда асосий эътибор “Ижтимоий химоя ягона реестри” ахборот тизимида ёрдамга муҳтож аёллар, ёшлар ва ногиронлиги бўлган шахслар бўйича алоҳида маълумотлар базасини яратиш, жумладан, “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари”ни “Ижтимоий химоя ягона реестри” билан интеграция қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўтган йиллар мобайнида ижтимоий соҳада амалга оширилган ишларга назар солидиган бўлсак, ижтимоий химоя ва доимий ёрдамга муҳтож шахслар билан ишлашнинг “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” каби янги-ча ишлаш механизми жорий этилди. Ижтимоий нафақа билан таъминланадиган аҳоли сони қарийб 1,5 баробар оширилди. Кексалар, ногиронлар, оғир аҳволга тушиб қолган инсонларни қўллаб-қувватлаш, уларга меҳр ва мурувват кўрсатиш каби зғу анъаналар бугунги кунда янги-ча маъно-мазмун, амалий ҳаракатлар билан бойиб, тақомиллашиб бормоқда. Бу борада, айниқса, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Беш муҳим ташаббус”, “Ҳар бир оила — тадбиркор”, “Ёшлар — келажакимиз” каби дастурлар ўз ижобий натижасини бермоқда. Биргина “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 2021 йилда барча шахар ва туманлардаги жами 8 мингга яқин қишлоқ ва маҳаллада қурилиш, таъмирлаш ва обodonлаштириш ишлари амалга оширилди.

Тан олиш жоизки, ўтган беш йилда ижтимоий соҳани ривожлантириш борасида қатор тизимли ислохотлар амалга оширилди ва ижобий натижаларга эришилди, бироқ шу билан бирга, мазкур соҳада самарали механизмларни яратишга тўқинлик қилаётган қатор муаммо ва камчиликлар ҳам йўқ эмас. Келгуси беш йилда бу борада ижтимоий йўналишдаги ислохотлар алоҳида аҳамиятга эга, албатта.

Ижтимоий соҳанинг муҳим йўналиши бўлган таълим соҳасида ҳам жадал ислохотлар амалга оширилди. Кейинги беш йилда олий таълимга қабул квотаси 3 баробар оширилиб, ўтган йили 182 минг йилгит-қиз учун талаба бўлиш имконияти яратилди. 2030 йилга қадар битирувчиларни олий таълим билан қамраб олиш даражасини 50 фоизга етказиш режа қилинмоқда. Мамлакатимизда улғусиз миллий таълим-тарбия тизимининг барча босқичларини уйғун ва мутаносиб ривожлантиришга алоҳида эътибор берилмоқда. Охириги 5 йилда болаларимизни мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси илгариги 27,7 фоиздан 60 фоизга етди. Ёшлар сони эса 3 марта қўлайиб, 14 мингдан ошди.

Қишлоқларда ишсиз ёшлар бандлигини таъминлаш мақсадида уларга 10 сотихдан 1 гектаргача ер майдонлари ажратиб бошланди. Ёшлар ўртасида камбағалликни қамайтириш, уларни ўзини ўзи банд қилишга рағбатлантиришда “Ёшлар дафтари”, ёшлар дастурлари доирасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, “Темир дафтар”даги оилалар фарзандлари бўлган 2 мингдан зиёд талабанинг контракт пули тўлаб берилди. Юртимизда ота-онасидан ажраган, меҳрга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг таълим-тарбия олиши, иш жойи ва уйига эга бўлиши, жамиятда муносиб ўрин топиши, Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар ва Болалар шахарчасининг моддий-техник базаси, кадрлар салоҳиятини мустаҳкамлашга жиддий эътибор берилмоқда.

Амалга оширилган ишларнинг узвий давоми сифатида Тараққиёт стратегиясида уй-жой коммунал хўжалиги, ижтимоий соҳа об’ектлари ва бошқа соҳаларда қайта тикланувчи энергия манбаларини кенг жорий этиш ва энергия самарадорлигини ошириш, электромобиллар ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланиш бўйича чораларни кўриш, иқтисодий тармоқларни ҳавога чиқарадиган зарарли газлар ҳажмини қисқартириш белгилаб берилди.

Стратегиянинг 67-мақсадида жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланадиган аҳоли сонини 2026 йилга 33 фоизга етказиш, республика ёшлари ўртасида миллий спорт турларини оммалаштириш, Ўзбекистонда спортнинг оммавийлигини ошириш мақсадида миллий спорт турлари ва халқ ўйинларини ривожлантириш, юртимизнинг чекка ҳудудлари ва қишлоқларида соғломлаштириш ишларини янада ривожлантириш кўзда тутилган.

Барпо этиладиган ҳар бир “Яшил ҳудуд”да югуриш, велосипедда ҳаракатланиш учун “Саломатлик йўлаклари” ҳамда бадминтон, стритбол ва воркаут майдончалари ташкил этилади. Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети ҳамда унинг филиалларида қабул кўрсаткичларини ошириш ҳисобига фаолият юритаётган олий маълумотли мураббийларнинг амалдаги 54 фоизлик улушини 2022 йилда 62 фоизга, 2026 йилда 85 фоизга ошириш кабиларда ўз аксини топди.

Адолат ва қонун устуворлиги кафолати

Бугун фуқароларимиз онгида қонунларга ҳурмат ва ишонч тобора ошиб борапти. Бойси, мамлакатда ҳар бир юрtdошимизнинг ҳуқуқ ва

Давр нафаси

эркинликларини тўлиқ кафолатлайдиган муҳит ҳукмрон. Хусусан, сўнгги йилларда юртимизда барча соҳаларда улкан ишлар амалга оширилди. Президентимиз ташаббуси билан инсон қадри улуғланмоқда. Ислохотлар ҳам айнан инсон омилига қаратилгани буни яққол тасдиқлаб турибди.

Жамиятда адолат ўрнатиш борасида аҳоли муурожаатлари билан ишлаш жараёнига янги механизмлар татбиқ этилиши орқали қонун устуворлигини таъминлаш, аҳолини қийнаб келган муаммоларни ҳал этиш, қийноқларнинг олдини олиш, очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, сўз эркинлигини мустаҳкамлаш каби қатор йўналишларда салмоқли натижаларга эришилди. Қолаверса, жиноят содир этиб, чин қўнгилдан пушаймон бўлган ҳамюртларимиз афв этилиши ва уларнинг жамиятга мослашишига қўмаклашиш, “Меҳр” операциялари доирасида уруш ўчоқларидан аёллар ва болаларни қайтариш, уларга ғамхўрлик кўрсатиш борасидаги Ўзбекистон тажрибаси халқаро ҳамжамият томонидан қўп бора эътироф этилди.

АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИЗЧИЛ ИСЛОХОТЛАРНИНГ УЗВИЙ ДАВОМИ СИФАТИДА ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИДА НОРАСМИЙ ИШЛАЁТГАН 2,5 МИЛЛИОН ФУҚАРО БАНДЛИГИНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШГА ЁРДАМ БЕРИШ ОРҚАЛИ УЛАРДА ИЖТимоий КАФОЛАТ ВА ИМТИЁЗЛАРДАН ТўЛИҚ ФОЙДАЛАНИШ ИМКОНияТИНИ ЯРАТИШ, АЁЛЛАР ОРАСИДАГИ ИШСИЗЛИК ДАРАЖАСИНИ 2 БАРОБАР КАМАЙТИРИШ, 700 МИНГДАН ЗИЁД ИШСИЗ ХОТИН-ҚИЗНИ ДАВЛАТ ҲИСОБИДАН КАСБ-ҲУНАРГА ўқитиш кўзда тутилган.


Ўтган беш йилда Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (омбудсман) институти фаолиятида ҳам туб ўзгаришлар рўй берди. Хусусан, омбудсман фаолиятининг қонунчилик базаси мустаҳкамланиб, унинг ҳуқуқ ва ваколатлари кенгайди, қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизм жорий этилди. Табиийки, бу чора-тадбирлар туфайли омбудсманнинг халқаро майдондаги позицияси ҳам мустаҳкамланди. Инсон қадрини ушбу жараёнинг бош мезони сифатида белгилаш мақсадида маҳкумлар ва жазони ўтаб бўлган шахсларнинг меҳнат, ижтимоий таъминот ва халқаро эътироф этилган бошқа ҳуқуқларини таъминлаш, уларнинг ижтимоий мослашуви ва жамиятга реинтеграциясига қўмаклашишнинг самарали механизмларини жорий этиш, бу йўналишда давлат ва жамият институтлари биргаликдаги фаолиятини йўлга қўйиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, фуқароларга ҳуқуқий таъсир кўрсатиш, шу жумладан, ҳаракатланиш эркинлигини чеклаш билан боғлиқ чораларни қўллашда қонунийликни сўзсиз таъминлаш ҳамда рақамли технологияларни жорий этиш орқали жамоатчилик назоратини қулайтиришга ҳам устуворлик берилган.

Жиноий қонунчиликни либераллаштириш сиёсатини изчил давом эттириш, жиноий жазолар ва уларни ижро этиш тизимида инсонпарварлик тамойилини кенг жорий этиш билан бирга, қийноқларнинг олдини олиш бўйича миллий превентив механизмларни тақомиллаштириш ва ушбу йўналишда махсус қонун қабул қилиш, жазони оғирлаштириш ёки енгиллаштиришга оид нормаларни қўллаш жараёнидаги инсон омилини бартараф этиш масалалари ҳам Тараққиёт стратегиясининг муҳим мақсадларидан саналади.

Мамлакатимизда одил судловни амалга ошириш борасида жиддий қадамлар ташланди. Суд ҳуқуқ соҳасидаги ислохотларнинг устувор йўналишларидан бири — инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, аввало, асоссиз жиноий таъқиб ва шахсий ҳаётга арапланишдан ҳимояланиш, шахсий дахлсизлик ҳамда адолатли суд муҳокамасига бўлган ҳуқуқлари самарали муҳофаза этилишини таъминлаш ҳисобланади. Зеро, ҳар бир демократик давлатда суд тизими инсон ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган механизмнинг асосини ташкил қилади.

Хозирга қадар Ўзбекистон томонидан ратификация қилинган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлар ҳақига соҳасидаги 80 дан ортиқ халқаро ҳужжат нормалари миллий қонунчилигимизда ўз аксини топган. Шунингдек, мамлакатимиз БМТнинг 6 та асосий шартномаси ва 4 та факультатив протокоliga қўшилган бўлиб, уларнинг амалга оширилиши юзасидан БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши ва шартномавий қўмиталарига мунтазам равишда миллий маърузалар тақдим этиб келинмоқда. 2020 йил июнь ойида қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикасининг Миллий стратегияси эса, ушбу соҳада давлат сиёсатининг янада самарали амалга оширилишига, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига ҳурмат муносабати шаклланишига, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузи янада юксалишига, ўз навбатида, юртимизнинг иқтисодий ва сиёсий-ҳуқуқий рейтинг ҳамда индекслардаги мавқеи яхшиланишига хизмат қилмоқда. Янги Ўзбекистон сифатида дунёда эътироф этилаётган мамлакатимизнинг Бирлашган Миллатлар

Янги Ўзбекистоннинг ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ ЮРТИМИЗНИ КЕЙИНГИ 5 ЙИЛДА РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ 7 ТА УСТУВОР ЙўНАЛИШИ ДОИРАСИДА 100 ТА МАҚСАДНИ ўЗ ИЧИГА ОЛГАН. УНИНГ АСОСИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШГА ҚАРАТИЛГАН.



Асосий эътибор экспортбop мева-сабзавот, озиқ-овқат, ва қорвачилик маҳсулотлари етиштиришни қўлайтиришга, кичик ишлаб чиқариш шох-бчаларини ташкил этиш ва сервис хизматлари кўрсатишга қаратилган бўлиб, 180 дан зиёд турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 80 та мамлакатга экспорт қилинмоқда. 2020 йилгача 94 та туманда 76 та пахта-тўқимачилик кластери ташкил этилган. 15 минг гектар интенсив боғ ва 11 минг гектар тоқзор барпо қилинган.

Хотин-қизлар ва ёшлар бандлиги

Президентимизнинг 2021 йил 20 декабрдаги “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш ва аҳолининг даромад манбаини кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига қўра, банк кредит маблағлари маҳаллаларда “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларга ўзини ўзи даромадли меҳнат билан банд қилиш ёки уларнинг доимий меҳнат билан бандлигини таъминлашга қаратилган лойиҳаларга ажратила бошланди. Ваколатли банкларга дастур координаторлари тақсимотида мувофиқ, 3,65 триллион сўм миқдоридagi кредит ресурслари 3 йиллик имтиёзли давр билан 7 йил муддатга ажратилиши белгиланди. Бу эса, шубҳасиз, жойларда аҳолининг тадбиркорлик учун кредит маблағларини олиш ва уни тўғри йўналтиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлди.

Бугунги кунда 18-30 ёшлилар орасида расмий ишсизлик 17 фоиз экани қайд этилди. Шу борадаги масалаларни тизимли ҳал этиш мақсадида Республика ишчи гуруҳи жойларда ўғил-қизлар тақдирларини “маҳаллабани” ўрганмоқда. Бу ўрганишлар ёшларни касб-ҳунарга ўқитиш, бандлигини таъминлаш, улар учун кредит ажратишда ҳалигача қўллаб қамчиликлар сақланиб қолаётганини кўрсатмоқда. Ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш борасида ҳам қўллаб-қувватлаш бор. Аксарият маданият марказлари, истироҳат боғлари ва спорт комплексларининг моддий-техник базаси қониқарсиз, тўғарақлар номига ишляпти.

Албатта, ёшлар ва хотин-қизларни оилавий тадбиркорликка жалб қилиш, яъни уларнинг иш билан таъминланмагани асосий муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Бунда уларни кредит маблағлари билан ишлашга ўргатиш, уларда банклардан кредитни осон ва қулай олиш механизмларини шакллантириш ҳам жуда муҳим. Шу боис, республикада молия, бандлик, касба уюмалари, банк ва бошқа мутасадди идоралар томонидан кредит олиш истатини билдирган ҳам таъминланган 5 минг 771 ёш оилга 33,3 миллиард сўм миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилиши таъминланган.

Амалга оширилган изчил ислохотларнинг узвий давоми сифатида Тараққиёт стратегиясида норасмий ишлаётган 2,5 миллион фуқаро бандлигини легаллаштиришга ёрдам бериш орқали уларда ижтимоий кафолат ва имтиёзлардан тўлиқ фойдаланиш имкониятини яратиш, аёллар орасидаги ишсизлик даражасини 2 баробар камайтириш, 700 мингдан зиёд ишсиз хотин-қизни давлат ҳисобидан касб-ҳунарга ўқитиш кўзда тутилган. Иш билан банд бўлмаган хотин-қизларни тадбиркорликка жалб этиш ва ўзини ўзи банд қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш вазифаси қўйилган.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистонда инсон манфаатини таъминлашга қаратилган ислохотлар, амалга оширилаётган ишлар ўз натижасини бермоқда. Мухими, янги барқарор ривожланиш босқичига кирган Ўзбекистон келажакда тараққиётнинг юқори чўққисига чиқиш учун улкан имкониятларга эга эканини кўрсатмоқда.

саноат корхоналари ривожига катта туртки бермоқда

66

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 1 МАЙ ҲОЛАТИГА ҚЎРА, “АНГРЕН” ЭИЗ ИШТИРОКЧИ КОРХОНАЛАРДА 10 200 ТА ЯНГИ ИШ ЎРНИ ЯРАТИЛДИ. ШУ ЙИЛ ЯКУНИГА ҚАДАР ЯНГИ ЛОЙИҲАЛАР ИШГА ТУШИРИЛИШИ НАТИЖАСИДА ҚЎШИМЧА 2 600 ТА ИШ ЎРНИ ОЧИЛИШИ КУТИЛМОҚДА.

Шаҳзод ҒАФФОРОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Ўтган беш йил давомида юртимизда қўшимча 19 та эркин иқтисодий зона ва 400 дан зиёд кичик саноат зонаси ташкил этилиб, мингдан ортиқ лойиҳа амалга оширилди. Натижада 100 мингта иш ўрни яратилиб, йилга 45 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, саноат зоналаридаги корхоналар йилга 750 миллион долларлик экспорт ва 1 триллион сўмдан зиёд солиқ тушумларини таъминламоқда. Яна бир муҳим жиҳати, ҳар бир туманга, олис ва чекка ҳудудларга саноат кириб бормоқда. Хусусан, илгари саноат умуман бўлмаган 11 та туманда 205 та янги корхона иш бошлади.

маҳсулот ишлаб чиқарилган. Шундан 62,6 миллион долларлик, яъни қарийб 13 фоизи хорижга экспорт қилинган.

Ушбу маълумотлар “Ангрен” ЭИЗ мамлакат макроиқтисодий курсаткичларига ижобий таъсир қўриб, юртимиз иқтисодиёти ривожига салмоқли ҳисса қўшиб келаётганидан далолатдир.

Сўнгги йилларда “Premier Electrotech” (қир ювиш машиналари ва совиткичлар), “East Mining Invest” (автоклав газобетон блоклар), “Angren Pack” (картон, қоғоз, гофрадиш), “National Ceramics” (глазурланган керамик плитка), “Quality Devices” (“Artel”, “Shivaki” ва “Samsung” савдо белгиси остида телевизор, монитор ва микротўлқинли печлар) сингари саноат ва маиший рўзгор буюмлари ишлаб чиқарадиган корхоналар ишга туширилди.

Инвестицион жозибадорлик ва имтиёзлар маҳсули

Ҳозирги кунда бир қатор етакчи хорижий давлатлар билан ҳамкорлик иқтисодиётимизнинг илғор тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни кенг жорий қилиш имкониятини бермоқда.

Ана шундай ҳамкорлик натижасида “Ангрен” ЭИЗда хорижий корхоналар сони ҳам йилдан-йилга кўпайиб бораётир. Кейинги йилларда хорижий инвесторларга яратиб берилган қўлай бизнес муҳити туфайли иқтисодий зона ҳудудидида “Limax gold textile” (пайпоқ), “Dal heavy industries” (турли мураккабликдаги металлқонструкциялар), “Li Da metal technology” (А-500 маркали пўлат арматура), “Термоизоляционная компания” (иссиқлик изоляцияли материаллар), “Аhangaranskiy trubny metallurgicheskiy zavod” (кенг қамровдаги металл маҳсулотлар) корхоналари ишга туширилди.

Бугунги кунда қишда иситиш ва ёзда совитиш харажатларини сезиларли даражада камайтирадиган замонавий иссиқлик изоляцияли материалларга эҳтиёж кўпаймоқда. Эркин иқтисодий

зона ҳудудидида жойлашган “Термоизоляционная компания” МЧЖ “Пеноплекс” савдо белгиси остида ана шундай иссиқлик изоляцияли материаллар ишлаб чиқармоқда. Корхонада Европадан олиб келинган, 500 килограмм/соат қувватга эга замонавий ишлаб чиқариш линияси мавжуд. Корхона нафақат мамлакатимиз қурилиш бозорини маҳсулот билан тўқиндиради, шунингдек, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон ҳамда Афғонистонга экспорт қилади.

— Мазкур эркин иқтисодий зонада 2019 йилнинг декабридан буён фаолият юритиб келмоқдамиз, — дейди корхона директори Александр Сиделёв. — ЭИЗдаги бу корхона бугунги кунда Россияда 8 та ва Қозғистонда битта ишлаб чиқариш майдончасига эга йирик иссиқлик изоляцияли материаллар ишлаб чиқарувчи “Пеноплекс” компаниясининг ўнинчи заводи ҳисобланади. Корхона йилига маҳаллий бозорга импорт ўрнини босувчи 100 минг куб метр иссиқлик изоляцияли плиталар ишлаб чиқармоқда. Бу ерда меҳнат қилаётган 116 ишчининг аксар қисмини ёшлар ташкил этади.

Кейинги йилларда Ўзбекистонда қўлай инвестициявий муҳит шакллантирилиши, хорижий инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича қонун йўли билан кенг қўлланма имтиёзлар, афзалликлар ва қафолатлар тизими белгиланиши ўз самарасини берапти.

— Эркин иқтисодий зона иштирокчилари қиритилган инвестициялар ҳажмига қараб мол-мулк, ер ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқлардан озод этилиши каби қатор имтиёзлар хорижий ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни мазкур ҳудудда бизнес юритишга ундамоқда, — дейди “Ангрен” ЭИЗ директори Муталибжон Ҳожимуродов. — Натижада ЭИЗ ҳудудидида корхоналар сони ошмоқда, маҳаллий бозорни сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш имконияти яратилмоқда, экспорт ҳажми кенгаймоқда. 2013-2017 йиллар давомида 488,8 миллион долларлик инвестиция ўзлаштирилди. Унинг 198,7 миллион доллари тўғридан-тўғри хорижий инвестициядир. 2018-2021 йилларда эса 600,7 миллион,

хусусан, 221,7 миллион долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб қилинди. Умуман олганда, агар 2016 йилда “Ангрен” ЭИЗ ҳудудидида 15 та корхона фаолият юритган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 113 тага етди.

Видеоселектор йиғилишидан кейин нималар ўзгарди?

Президентимиз раислигида шу йил 26 май куни ҳудудларда махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналари ташкил қилиш, уларни зарур инфраструктура билан таъминлаш чора-тадбирларига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди. Унда жорий йилнинг ўзида махсус иқтисодий ва кичик саноат зоналарида 2 мингта лойиҳани амалга ошириш, 110 мингта янги иш ўрни яратиш ва 1 миллиард доллар экспортни таъминлаш учун имкониятлар берилиши таъкидланди. Бу борадаги вазифалар белгиланди.

Видеоселектор йиғилишидан келиб чиқиб, “Ангрен” ЭИЗ ўз олдига қандай мақсадлар қўйди, бу ерда энди нималар ўзгарди?

— Видеоселектордан сўнг “Ангрен” ЭИЗ дирекцияси ўз олдига 2022 йил учун салмоқли вазифалар белгиледи, — дейди М.Ҳожимуродов. — ЭИЗ иштирокчи корхоналари томонидан қиймати 8,6 триллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш, шундан 83,1 миллион долларлик маҳсулотни экспортга чиқариш, 174 миллион долларлик, жумладан, 85,6 миллион долларлик тўғридан-тўғри хорижий инвестиция жалб қилишни режалаштирганмиз. Умумий қиймати 182,7 миллион долларлик 24 та лойиҳани амалга ошириш олдимида турган муҳим вазифалардан саналади.

Ана шу вазифалар доирасида Ангрен шаҳрида “Central Asia chemicals” (кимёвий хомашё ва қир

ювиш кўкуни), “Intisoar near” (синтетик цеолит), “Ecoton Sharq” (автоклавланган газобетон блоклар), “Angren insulation” (ишлаб чиқариш минерал пахта), Оҳангарон шаҳрида “Аhangaranskiy trubny metallurgicheskiy zavod” (металл рўллон лист), “Yuanxin” (томчилаб сугориш полимер қувурлари ва фитинглари), Оҳангарон туманида “Pak-Merit bleaching clay” (активлаштирилган оқартирувчи гил) ва “Elmuraz” (ун маҳсулотлари) корхоналари ишга туширилиши кутилмоқда.

“Ангрен” ЭИЗ дирекцияси ишлаб чиқарилаётган ҳар бир маҳсулот хорижий стандартларга мослаштириш, иштирокчи корхоналарни зарур инфраструктура, жумладан, электр, сув, газ, йўл ва канализация билан тўлиқ таъминлаш, янги лойиҳаларни ишга туширишни мақсад қилган.

Яна бир гап. Жорий йилнинг 1 май ҳолатига қўра, “Ангрен” ЭИЗ иштирокчи корхоналарда 10 200 та янги иш ўрни яратилди. Шу йил якунига қадар янги лойиҳалар ишга туширилиши натижасида қўшимча 2 600 та иш ўрни очилиши кутилмоқда.

“Ангрен” ЭИЗда лойиҳалар жойлаштириш учун мўлжалланган 430 гектарга яқин бўш ер мавжуд. Ушбу майдонга умумий қиймати 145 миллион долларлик (шундан, 32 миллион доллар тўғридан-тўғри чет эл инвестициялари) 10 та истиқболли лойиҳани жойлаштириш масаласида музокара олиб боришмоқда ҳамда лойиҳалар бизнес режалари ишлаб чиқирилиб, экспертизадан ўтказилмоқда. Лойиҳалар доирасида қўшимча 3150 та янги иш ўрни яратилиши бўйича истиқболли режалар кўзда тутилган.

Келгусида амалга ошириладиган лойиҳалар ишлаб чиқариш қамровини янада кенгайтириб, аҳолини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, экспорт салоҳиятини юксалтириш, янги иш ўринлари яратиб, аҳоли фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

ИЗЛАНИШ

Усмонали НОРМАТОВ,
журналист

Бугун Сурхондарё вилоятининг қайси ҳудудига борманг, кенг қўламли қурилишларга гувоҳ бўласиз. Қўп қаватли уй-жойлар, кўркем ва мухташам иморатлар, мактаб ва мактабгача таълим муассасалари, маъмурий бинолар бунёд этишда қурилиш материалларига талаб кун сайин ошиб бормоқда. Воҳа қурувчилари яқин-яқингача айрим қурилиш ашёсини Навоий, Фарғона ва Тошкент вилоятларидан темир йўл орқали ёки махсус автомашиналарда келтирарди. Албатта, бошқа жойдан олиб келинадиган хомашё нархига транспорт харажатлари ҳам қўшилади. Бу эса хоҳлайсизми, йўқми, маҳсулот баҳосига таъсир кўрсатади.

Сурхондарёдаги қурилишлар нархини арзонлаштириш, харажатларни камайтириш, жумладан, цемент ишлаб чиқариш йўлига қўйиш мақсадида анча йиллар изланишлар олиб боришган. Геологларнинг сай-ҳаракати билан Қўхитанг тоғи этакларида оҳақтош, гипс ва бошқа ер ости бойликлари захираси мавжудлиги аниқланди ва тоғдаги Вандоб қишлоғида цемент заводи қуришга киришилди. 2016-2018 йиллар давомида Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг 42 миллион 600 минг АҚШ доллари эквивалентидаги ўз маблағи ҳамда банкдан олинган кредит ҳисобига Туркия, Россия ва Италиядан келтирилган замонавий технологиялар билан жиҳозланган умумий қиймати 212 миллион 800 минг АҚШ долларлик цемент заводи қуриб битказилди. Йилига 1,5 миллион тонна маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга заводга биринчи галда малакали мутахассислар зарур эди. Шеробод туманидан ёшлар

жалб этилиб, Жиззах цемент заводида амалиёт ўташ учун юборилди. Ҳозир корхона цехларида 1100 киши меҳнат қилмоқда.

Корхона ишлаб чиқариш бўлими бошлиғи Сардор Ортиқов ҳамроҳлигида иш жараёни билан танишдик. Хомашё тайёрлаш Вандоб оҳақтош қонидадан бошланади. Ер ости бойликлари аниқловчи мутахассисларнинг айтишича, қонда 60 йилга етadиган оҳақтош захираси бор. Бу жойдан заводнинг майдонлаш цехига оғир юк машиналари билан соатига 800 тонна оҳақтош келтирилади. Мазкур цехда ўрнатилган икки роторли болгалар ёрдамида оҳақтошлар майдонланади. Сўнг Шеробод туз қони атрофидан олиб келинадиган гипс, Оқтош қишлоғидан олиб келинадиган гил тупроқ ва шлак ҳамда Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг темир қириндиси билан аралаштирилиб, пишириш цехига ўтказилади. Бир қанча бошқа элементлар қўшилган ярим

тайёр маҳсулот эни 4,8 метр, узунлиги 68 метрли доимий айланиб турувчи печда 1450 даража иссиқликда пиширилади. Совитилган аралашма шарли тегирмонда ундёк майин бўлгунча эзилади. Тайёр цемент кучли ҳаво босимида махсус қувурлар орқали ҳар бирининг сифими 5 минг тонналик идишларга жойланади.

Италиянинг венто-мантик технологияси билан жиҳозланган қадоклаш цехидаги ускуналар ёрдамида идишлардаги цемент аэрозол — ҳаво йўли орқали компрессорлар ёрдамида сўрилиб, полипропилен қопларга солинади. Қоплар оғзи тикилган, тасмали транспортёр воситасида омборларга жўнатилади. Зарурат бўлганда, қадоклаш цехидаги иккинчи линия орқали тайёр маҳсулот махсус машиналар ёки вагонларга юкланади. Цехда барча жараён автоматлаштирилган. Инсон омили аралашмагани учун ҳар бир қопга белгиланган миқдорда цемент солиниб, қадокланади. Ақли аппа-

ратлар йиртилган ёки сифатсиз тикилган қопларни тасмали транспортёрдан олиб, йиртқ қоплардаги цемент ортага қайтарилади.

— Ўттиз ёшга кирдим, икки фарзандим бор, — дейди цемент қадокловчи Фаррух Оролов. — Қўзилполма қишлоғимиз тоғда жойлашгани учун эркаклар чорвачилик ва боғдорчилик билан шуғулланса, хотин-қизлар ҳунармандлик билан банд. Лекин ҳаммамнинг ҳам доимий иш йўқ. Шу сабаб рўзгор фаровонлигини таъминлашни ўйлаб, тўрт йил четда ишлашга мажбур бўлдим. Аммо ўз уйингда, фарзандларинг ёнида бўлганга нима етсин? Қишлоғимизга яқин жойда цемент заводи қурилганидан хурсандмиз. Ҳозир биргина бизнинг қишлоқдан 50 нафардан кўпроқ тендошим шу корхонада ишлайпти. Маошимизни вақтида олиб турибмиз.

Айни дамда заводда ишлаб чиқарилаётган 400 маркали цементнинг хари-

дорлари кўп. Жорий йилнинг ўтган беш ойи давомида Самарқанд, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидаги истеъмолчиларга 400 минг тоннадан ортиқ цемент етказиб берилди. Маҳсулот биржа савдопарти орқали сотилмоқда.

Заводда тўрт сменада иш ташкил этилган. Ишчиларга бепул иссиқ овқат берилади. Яқин атрофдаги қишлоқлардан қатновчиларга автобус ажратилган. Бошқа туманлардан келиб ишловчиларга 400 ўринли ётоқхонада барча шaroит муҳайё. Етакчи мутахассисларга эса уй берилган. Ходимлар учун кутубхона, спорт майдончалари, маънавият хонасида барча қўлайлик мавжуд. Ёз ойлари ишчиларнинг фарзандлари касабга уюшма маблағи ҳисобидан “Бешбулоқ — Сурхон — Шеробод” оромгоҳида дам олади. Ишчилар таътилга чиққанда эса Олмалиқ кон-металлургия комбинатига қарашли санаторийларга юборилади.

Завод директори ўринбосари Собир Нишоновнинг айтишича, ишчи-хизматчиларнинг иш ҳақи ўртача 4 миллион. Бундан ташқари, ҳар бир байрамда мукофотлар берилади. Манфаатдорлик жамоани катта ютуқлар сари руҳлантирмоқда.

Корхона атрофидидаги ободонликни қўриб, кишининг ҳаваси келади. Ўтган йил кузи ва шу йил баҳорида завод ҳудудидаги 8 гектар бўш ерга 5 минг тулпа мевали ва манзарали дарахт кўчати, турфа гуллар ўтказилди. Ёш нихол ва гуллар томчилатиб сугорилмоқда. Бир гектар майдонда Хитой технологияси асосида иссиқхона қуриб битказилди. Келгусида замонавий иссиқхонада лимон ва эртаски сабзавотлар етиштирилади.

Маҳсулотни истеъмолчиларга ўз вақтида етказиш мақсадида 40 километр масофага темир йўл қўрилиб, Болдир станциясига уланди. Жарқўрган туманидаги “Марказий Сурхон-500” подстанциясида 85 километр узунликда алоҳида линия тортилди. Завод билан Шеробод туманининг “Таллашқон” СИУ ҳудудидаги газ тақсимлаш пункти оралиғидаги 37,5 километр масофага қувурлар ётқизирилиб, табиий газ олиб келинди.

— Замонавий технологияларни барча соҳаларда фаол жорий этиш талаби қўйилмоқда, — дейди Шеробод цемент заводи директори Эшмат Муродов. — Корхонамизда жорий йилдан бошлаб энергияни тежашга ўтдик. Ишлатилаётган ҳар бир ускуна Европа стандартларига мослиги вазифа хомашё тайёрлаш жараёнида пайдо бўладиган чанг-ғуборлар атроф-муҳитга зарар етказмайди. Муҳими, корхонамизда мавжуд энергоблоқда иккиламчи чиқинди иссиқликдан фойдаланган ҳолда электр энергияси ишлаб чиқарилади. Яъни фойдаланилган газнинг тафти осмонга чиқиб кетмайди-да, қайта фойдаланиш ҳисобига энергия ҳосил қилинади. Бошқача айтганда, цемент ишлаб чиқаришда печдаги иссиқлик қайта ишланади ва буғ ҳосил қилинади. Сўнг буғ қувурга йўналтирилади. Натижада генератор ҳаракатга келиб, ундан электр энергияси ҳосил бўлади. Шу кеча-кундузда заводимиздаги энергоблоқ ёрдамида соатига 6 минг киловатт соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Шу пайтга-ча корхонамизда “Марказий Сурхон-500” подстанциясида соатига 20-25 минг киловатт электр энергияси олиб ишлатган бўлсак, энергоблоқимизда ҳосил қилинадиган энергия ҳисобига энергия истеъмоли 14 минг киловатт соатчага тежаллади. Ёки электр энергияси истеъмоли 30 фоизгача камайд. Натижада бунинг ҳисобидан кунига 60 миллион сўмдан ошқ мabлағ тежамокдмиз. Шубҳасиз, бу ишлаб чиқарилаётган цемент таннархи арзонлашишига ижобий таъсир кўрсатапти.

Шерободнинг тоғли қишлоғида цемент заводи ишга туширилиши шу ҳудудда яшаётган минглаб одамларнинг даромади кўпайиб, турмуши фаровон бўлишига ёрдам бермоқда.





НУҚТАИ НАЗАР

Тараққиётнинг ҳозирги босқичида рақамли иқтисодиёт халқаро ва миллий иқтисодиётнинг энг тез ривожланаётган сегментларидан бирига айланиб улгурди. Бир томондан, бу жараён иқтисодий ўсишнинг локомотиви, бошқа томондан эса, анъанавий тармоқлар қиёфасини ўзгартириб, унинг янги типдаги иқтисодиётга трансформациялашувини таъминламоқда. Рақамли иқтисодиёт билимлар, ахборотлар, интеллектуал меҳнат маҳсулотларидан фойдаланишга асосланиб, иқтисодиёт, илим-фан ва маданий ҳаётнинг барча жабҳасига кириб бормоқда.



Нурислом ТЎХЛИЕВ, иқтисод фанлари доктори, профессор

Анъанавий иқтисодиёт асосан, иқтисодий ўсишни таъминласа, рақамли иқтисодиётнинг бош мақсади инновациялар, яъни иқтисодий ривожланишдир. Чунки унинг имконияти коинот каби чексиз. У ҳамма вақт янги маҳсулот ва хизматларни яратишга қодир. Тасодиф эмаски, инновацион ривожланган постиндустриал мамлакатлар — Ғарбий Европадаги Австрия, Бельгия, Буюк Британия, Германия, Ирландия, Лихтенштейн, Люксембург, Монако, Нидерландия, Франция, Швейцария, Шимолӣ Европадаги Дания, Норвегия, Швеция, Финляндия, Жанубий Европадаги Андорра, Испания, Италия, Шимолӣ Америкадаги АҚШ ва Канада, Осиёдаги Япония, Жанубий Корея ва Исроил, шунингдек, Австралия ва Янги Зеландия бу борада анча илгарилаб кетди. Бу мамлакатлар илмий салоҳияти юқори ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш соҳаларининг устуниги билан ажралиб туради.

Рақамли иқтисодиётни шакллантириш инвестиция жараёни билан боғлиқ. Янги иқтисодиётда асосий ишлаб чиқариш кучи кишиларнинг билим ва малакасига асосланади. Бунга эса ишлаб чиқаришга йўналтириладиган инвестиция саломогини ошириш билангина эришиб бўлмайди. Бу жараён сармояни асосан, инсон капиталига йўналтириш ва истеъмолни кучайтириш, жумладан, таълим ва инсон саломатлиги, қулайлигига сарфлаш орқали амалга оширилади.

Натижада одамларда интеллектуал ўсишга, иходий қобилиятини ривожлантиришга вақт ва имконият кўпаяди. Бу эса рақамли иқтисодиёт сегментини кенгайтириш учун низоҳатда зарур. Рақамлаштириш унча катта бўлмаган, ихчам ва мўъжаз корхоналарга нафақат ички, балки глобал бозорда ҳам рақобатбардош бўлиш имконини беради.

Янги иқтисодиётда фан сифими юқори, ресурс тежандиган ва рақамли, ахборот технологияларига асосланган ишлаб чиқаришнинг аҳамияти ортади. Рақамлаштириш жамият ҳаётининг барча жабҳаси — моддий неъматлар, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш, уй ҳўжаллиги, таълим, соғлиқни сақлаш, ҳатто маданият ва санъат соҳаларига ҳам кириб боради. Меҳаник ўзаро таъсир ўрнини энди электрон технологиялар эгаллайди. Технологиялар жараёнлар ўзгаришининг бош тренди рақамлаштиришнинг ўсиши, малакасиз меҳнат ўрнини аста-секин машина ва компьютерлар эгаллаши бўлиб қолади. Яппи ички маҳсулотда саноат ва қишлоқ ҳўжалиги каби анъанавий соҳалар улушининг пасайиш тенденцияси асло бу тармоқлар инқирозини билдирмайди.

Инсоннинг ахборот билан боғлиқ фаолияти бугун иқтисодиётнинг муастакil секторига айланиб бошқа секторлардан устунилик қилмоқда. Рақамли иқтисодиёт ривожланган мамлакатларда яппи ишчи кўчининг 70 фоизига яқини ахборот ва ахборот хизматиини ишлаб чиқариш билан банд. Реал секторда банд бўлганлар улуши эса 30 фоиз атрофида. Европа тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТҒБ) ҳисоб-китобларига кўра, рақамлаштириш бўйича 2020 йилда ушбу банкка аъзо мамлакатлар орасида АҚШ 95,4 балл билан биринчи ўринни эгаллаган. Банк услубийтага кўра, рақамлаштириш индексини баҳолаш мамлакатининг рақамлаштириш инфратузилмаси, билим ва кўникмалар, АКТ хизматларини тақдир қилиш ҳўқуқий базаси ва электрон кўринишда давлат хизматларидан фойдаланиш имконияти орқали баҳоланади.

Рақамлаштиришда АҚШнинг кўли бандлиги сабабларидан бири мамлакатда IT индустрияси ривожланганидир. АКТ бўйича жаҳоннинг етакчи компаниялари ушбу мамлакатда жойлашган. Масалан, "Amazon" 2020 йилда 220,8 миллиард доллар ишлаб топди. Ундан кейинги ўринларда эса "Google", "Apple", "Microsoft", "Facebook", "Walmart" компаниялари турибди. Илон Маскнинг "Tesla"си, Тревас Халаникнинг "Uber"и ўта юқори технологияли компаниялардир. Қолаверса, АҚШдан ташқарида дунёга машҳур кўпчилик технологик компаниялар Калифорниянинг Кремний (Силикон)

РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ УЎЎҚЛАРИ

водийсидан старт олади. IT универсал жараён. У реал секторлар, хизмат кўрсатиш, бошқариш, ижтимоий соҳаларга кириб, рақобат афзаллигини бермоқда.

Кремний (Силикон) водийсида жаҳон инновациялари, фан сифими юқори ишлаб чиқариш билан боғлиқ стартаплар дунёга келади. Венчур капиталининг ўзаро алоқалари ўрнатилади. Бунга ўхшаш юқори технологиялар марказини яратишга уриниш Буюк Британия, Россия, Хитой, Тайвань ва Ҳиндистон каби мамлакатларда жадаллашди. Шу муносабат билан мамлакатимиз ҳам ўзининг Кремний водийсига эга бўлиш фурсати етди. У бошқа ҳўдудлардаги юқори технологияли кластерларга халал бермаслиги, асинча, уларга ёрдам кўрсатиши, фаолиятини координациялаштириши, соҳада етакчи бўлиши керак.

ЕТҒБ услубияти бўйича аъзо давлатлар (51 та)нинг рақамлаштириш рейтингида Ўзбекистон 52,6 балл билан 39-ўринни эгаллайди. Марказий Осиё мамлакатлари орасида рақамлаштириш индекси бўйича Козогистон 71,1 балл билан биринчи ўринда турибди. Кейинги ўринларни эса Қирғизистон — 47,1, Тожикистон — 29,7 ва Туркменистон — 23,7 балл билан эгаллаган.

Ўзбекистоннинг мавқеи 2015-2020 йилларда 17,6 бирликка (35 баллдан 52,6 баллгача) кўтарилган. Ўсишни таъминлашда мамлакатимизда бу йўналишда амалга оширилган бир қатор омиллар муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Республикасида 2013-2020 йилларда Миллий ахборот-коммуникация тизимини комплекс ривожлантириш дастури, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси, Рақамли Ўзбекистон — 2030 стратегияси, 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси ва бошқа дастурлар, ҳўқуқий-меъёрий ҳўжатлар қабул қилинди.

Кўрсатилган алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 2019 йилдаги 10891,7 миллиард сўмдан 2021 йилда 17112,2 миллиард сўмга етди.

ЕТҒБ УСЛУБИЯТИ БЎЙИЧА АЪЗО ДАВЛАТЛАР (51 ТА)НИНГ РАҚАМЛАШТИРИШ РЕЙТИНГИДА ЎЗБЕКИСТОН 52,6 БАЛЛ БИЛАН 39-ЎРИННИ ЭГАЛЛАЙДИ. МАРКАЗИЙ ОСИЁ МАМЛАКАТЛАРИ ОРАСИДА РАҚАМЛАШТИРИШ ИНДЕКСИ БЎЙИЧА КОЗОГИСТОН 71,1 БАЛЛ БИЛАН БИРИНЧИ ЎРИНДА ТУРИБДИ. КЕЙИНГИ ЎРИНЛАРНИ ЭСА ҚИРЎИЗИСТОН — 47,1, ТОЖИКИСТОН — 29,7 ВА ТУРКМАНИСТОН — 23,7 БАЛЛ БИЛАН ЭГАЛЛАГАН.

ҲЎДУДЛАР БЎЙИЧА АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ ХИЗМАТИ ҲАЖМИНИНГ ЎСИШ СУРЪАТИ (ФОИЗДА, МИЛЛИАРД СЎМДА)

114,6	Қорақалпоғистон Республикаси	448,6
111,2	Андижон	649,8
118,5	Бухоро	504,8
116,4	Жиззах	288,2
120,0	Қашқадарё	599,1
115,9	Навоий	293,5
112,9	Наманган	588,4
114,9	Самарқанд	833,3
119,2	Сурхондарё	467,9
126,8	Сирдарё	248,0
131,1	Тошкент	652,9
116,8	Фарғона	905,2
119,0	Хоразм	420,4
124,8	Тошкент шаҳри	10 211,9

Расмий статистик маълумотларга кўра, кўрсатилган хизматларнинг 69,9 фоизини телекоммуникация, 12,5 фоизини компьютер дастурлаш, 12,6 фоизини алоқа ва ахборотлаштириш, 5 фоизини эса наشريёт хизматлари ташкил этмоқда.

Рақамлаштириш бўйича кўрсаткичлар бундан-да юқори бўлиши мумкин эди. Бунинг учун биринчи навбатда, рақамли инфратузилмага кириш қулайлиги, ундан фойдаланиш коэффицентини ошириш лозим. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 36,1 баллдан иборат бўлиб, ЕТҒБ аъзолари орасида энг паст кўрсаткичлардан бўлиб турибди.

Мамлакатимизнинг рақамлаштириш бўйича илгорлар сафида бўлиш имконияти борми? Бор, албатта. Ҳали ўтган асрнинг 70-йилларида Ўзбекистон Фанлар академияси "Кибернетика" илмий ишлаб чиқариш бирилшмасида академик Восил Қобулов раҳбарлигида РАСУ (Республика автоматлашган бошқарув тизимини) яратишга жиддий уринишлар бўлган. Вилоят, шаҳар ва туманларда автоматлашган бошқарув тизими фрагментларини яратиб, кейин уларни республика миқёсида интеграциялаштириш вазифаси қўйилган. Бу ҳозирги рақамлаштиришнинг, "Электрон ҳўкумат"нинг дебонаси эди,

Кремний (Силикон) водийсида жаҳон инновациялари, фан сифими юқори ишлаб чиқариш билан боғлиқ стартаплар дунёга келади. Венчур капиталининг ўзаро алоқалари ўрнатилади. Бунга ўхшаш юқори технологиялар марказини яратишга уриниш Буюк Британия, Россия, Хитой, Тайвань ва Ҳиндистон каби мамлакатларда жадаллашди. Шу муносабат билан мамлакатимиз ҳам ўзининг Кремний водийсига эга бўлиш фурсати етди.

десак хато бўлмайди. Қизиги, бу вақтда ҳали АҚШнинг Кремний водийси дунёга танилмаган. "Осиё йўлбарслари" мудроқда. Хитойда Дэн Сяопин ислохотлари бошланмаган. Сингапур балиқчилар посёлқасидан иборат дунёнинг бир чеккаси эди. Аммо бу гоъни ўша вақтда амалга ошириш имконияти бўлмади. мавжуд техника ва технология, молиялаштириш даражаси билан бунга эришиш қийин эди. Оддийгина телефонлаштиришнинг ўзи катта муаммо ҳисобланарди. Бугун эса вазият бутунлай ўзгарди,

техник-технологик, молиявий, интеллектуал салоҳият мислсиз ўсди, қолаверса, хоҳиш-истак, яқин ўтмиш тажрибаси, ирода бор.

Президентимиз рақамли трансформацияга катта эътибор қаратмоқда. Давлатимиз раҳбари рақамли иқтисодиётни шакллантириш унга мувофиқ инфратузилмани, улкан восита ва меҳнат ресурсларини талаб қилса-да, бу ишлар билан бугун шўғулланиш керак, акс ҳолда, эртага кеч бўлади, кейинги беш йилда Ўзбекистон учун устувор вазифа — рақамли иқтисодиётга жадал ўтиш, деб ҳисобламоқда.

Бунинг учун эса, рақамли малака ва кўникмаларни шакллантирувчи таълимни янада ривожлантириш ва унга инвестицияларни кескин ошириш лозим. Бунинг сабаби, банкка аъзо мамлакатларда ўтган ўн йилликда рақамлаштириш даражаси юқори секторларда бандлик бошқа секторларга нисбатан 3 баробар устун даражада ўсган. Рақамли малака ва кўникмаларга талаб борган сари ошаверади.

Гап шундаки, экспертлар ҳўлосаси беришича, бугуннинг ўзида барча касбларнинг 78 фоизи рақамли малака талаб қилмоқда, жаҳондаги компанияларнинг 44 фоизи рақамли ривожланиш стратегиясига эга. Рақамли иқтисодиёт нафақат вақтни тежаш, ишлаб чиқариш унўмдорлиги ва натижалийлигини ошириш воситаси, қолаверса, ҳўфёна иқтисодиёт, маъмурий буйруқбозлик даражасини пасайтириш имконияти, бозор дастаклари ишлаб қилинган гарови ҳамдир. Президентимиз парламентга 2020 йилдаги Мурожаатномасида рақамли иқтисодиётнинг яширин иқтисодиёт даражасини пасайтириш билан бевосита боғлиқлигини таъкидлади.

Шунингдек, ЯИМда рақамли иқтисодиёт улушини, унга киритиладиган инвестициялар ҳажмини ошириш, электрон савдонни ривожлантириш ҳам давр талабларидан бири. Ва низоҳат рақамли иқтисодиёт инфратузилмасини яратишда давлатнинг ўрни ва роли ошиб бориши лозим. Чунки бундай улкан лойиҳани бир неча компания билан амалга ошириб бўлмайди. Уни фақат давлатнинг етакчилигида, кучли тadbиркорлик ва инновацион ёндашув орқали ҳўусусий бизнес, шу жумладан, чет эл инвестицияларининг кучи ва имкониятларидан фойдаланиб амалга ошириш мумкин. Бунда давлат ва ҳўусусий шериклик тамойилининг аҳамияти катта. Давлат иқтисодий жараёнларни рақамлаштиришни умумий технология платформалар ташкил қилиш, амалдаги ҳўқуқий-меъёрий базани такомиллаштириш, "Электрон ҳўкумат" тизимини йўлга қўйиш, қулай солиқ тизимини яратиш, IT кадрларини тайёрлаш, кибертаҳдидлар хавфсизлигини таъминлаш, бу борада халқаро ҳамкорлиқни кенгайтириши орқали ривожлантириши мумкин.

ЁЗГИ ТАЪТИЛ



КЕЛАЖАКНИ СОҒЛОМ АВЛОД БУНЁД ЭТАДИ

Башорат ОТАЖОНОВА, "Янги Ўзбекистон" муҳбири

Вақт — оқар дарё. Кўз очиб-юмгунча ўқувчилар ёзги таътилининг бир ойи ҳам ортда қолди. Бу фурсатларни ҳар бир болажон ўзига хос тарзда: кимдир спорт машғулотларига қатнаб, кимдир китоб ўқиб, яна бошқалар ҳўнар ўрганиб, уй ишларига қаршиб ўтказмоқда. Айрим ўғил-қизлар юртимизнинг сўлим гўшаларида жойлашган оромгоҳларга йўл олган. Энг муҳими, 9 ой давомида билим олган болалар энди хордиқ чиқармоқда. Мутахассислар ўсаётган организмнинг ҳар томонлама соғлом ривожланиши учун, албатта, мароқли дам олиш кераклигини таъкидлайди. Бу эса ўзлаштирилган билимларни мустаҳкамлашда, янги ўқув йилига куч йиғишда асқатади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида сўнгги йилларда ёш авлодни жисмонан соғлом, маънан етук шахс этиб тарбиялаш, уларнинг билим олиши, бўш вақтини мазмунли ўтказиши учун қулай шароитлар яратиш борасида амалга оширилаётган ишлар салмоқли натижалар бермоқда. Мамлакатимизда болаларни дам олдириш ва соғломлаштиришга тайёргарлик кўриш ишлари ёзги мавсумдагина эмас, бутун йил давомида олиб борилаётир. Бунинг натижасида турли ҳўдудларда, ҳўуссан, чекка қишлоқларда истикомат қилувчи ўғил-қизлар ҳам сўлим оромгоҳларда хордиқ чиқармоқда. Умумтаълим мактаблари қошида ташкил этилаётган ёзги соғломлаштириш майдончалари ана шундай эзгу мақсадга хизмат қилади.



Пойтахтимизнинг Сергели туманидаги 237-мактаб қошида ташкил этилган "Қўвнок ёз" ёзги соғломлаштириш оромгоҳи 2-мавсумда 100 дан ортиқ ўғил-қизни ўз бағрига олди. Бу ерда ўқувчилар "Моҳир кўллар", "Happy English", "Ёш созанда", "Эртақлар оламида", ментал арифметика, тасвирий санъат, таэквондо, шашка-шахмат, сузиш, стол тенниси, гимнастика ва рақс каби тўғарақларга жалб қилинган.

Ёзги таътилда 4 мавсум давомида болаларни қарши оламиз, — дейди мактаб директори Феруза Шарипова. — Илк мавсумда 100 дан ортиқ ўғил-қизни қабул қилган болалар, имкинчи мавсумда яна шунча ўқувчи дам олмақда. Асосан, Олтин водий, Қумарик, Авиасозлар маҳаллаларида яшовчи болалар келяпти. Доимий ишлайдиган кўпалаб ота-оналарнинг бошланғич синф ёшдаги болалари уйда ёлғиз, назоратсиз қолади. Табиийки, аксарият болажонлар бундай шароитда телевизор ёки компьютер қаршисида ўтириб вақт ўтказади. Ёзги соғломлаштириш оромгоҳида эса ўғил-қизларимиз ўз вақтида ўйнайди, вақтида дам олади, қизикarli машғулотлар билан банд бўлади.

Соя-салқин мактаб ҳўвлиси, замонавий синф хоналар ўғил-қизлар билан гавжум. Уларда болалар ўз қизиклишига қараб, тўғарақларга жалб қилинган.

Қамола 11 ёшда. Унинг айтишича, 4-синфни "якши" баҳоларга битирибди. "Келажақда иш-фокор бўлмоқчиман. Бунинг учун яхши ўқишим, соғлом бўлишим керак. Кўнимизнинг ярми шу ерда ўтади, асосан, китоб ўқийман. Кутубхонамиз китобларга бой. Худойберди Тўхтабоев, Анвар Обиджон, Марк Твен каби ёзувчиларнинг асарларини, энциклопедияларни ўқиймиз. Яна мактабимиз ҳўвлисидаги ҳўвузда сузишни ўргандим".

Зиёвуддин Сотволдиевга компьютер саводхонлиги тўғараги маъжул келибди. У компьютерда самоқд макетини ясамоқда. Шақллар мутаносиблиги,

рангини танлашга ҳам алоҳида ёндашмоқда. Зиёвуддин келажақда учувчи бўлишни мақсад қилган. Шунинг учун ҳам тасвирий санъат тўғарағида бўладими, моҳир кўллар тўғарағидами — самолёт чизишни, ясашни яхши кўради.

Ойим аэропортда ишлайди. Катта бўлсам мен ҳам ўша ерда ишлашни хоҳлайман, — дейди болақай. — Бу ерга эрталаб барвақт келамиз. Ҳар кўни бадантарбия машғулотлари бўлади. "Қўвнок стартаплар" ўтказилади. Кейинги мавсумда ҳам машғулотларга қатнашмоқчиман.

Ёзги соғломлаштириш оромгоҳининг йўлга қўйилишидан ота-оналар ҳам мамнун. Сабаби, ҳар бир ота-она фарзандининг болалар билан мулоқот қилишини, мақсадли машғулотлар билан банд бўлишини истайди. Уйда эса барча ота-она ҳам болалар учун тулақонли муҳит яратиб бера олмайд. Бундан ташқари, ота-она ишда бўлган пайтда оромгоҳ бола учун ишончли жой.

Ўғлим Абдусалим 1-синфни аъло баҳоларга битирди. Тендлошлари қатори айни пайтда ёзги соғломлаштириш оромгоҳига қатнамоқда, — дейди Венера Умарова. — "Аёллар дафтери" та киритилганим боис, ҳозир давлатимиз қўмағи билан тикувчилик курсида

ўқиямман. Болалар улғайяпти, рўзгорга қўшимча даромад керак. Ҳадемай тикув машиналари олиб беришмоқчи. Эрталабдан тушгача дарсда бўламман. Ўғлим уйда қолса, катталар назорат қилгани билан фарқиб зерикади. Телевизор кўргиси, кўнага чиқиб ўйнагиси келади. Оромгоҳнинг ташкил этилиши унга вақтинчи мазмунли ўтказиш имконини бермоқда. Бу ерда кинозалда қизикarli фильм ва мультфильмлар томоша қилади. Жисмоний фаол бўлади. Турли тўғарақларда вақти қизикarli ўтади. Шахматни, сузишни ўрганапти. Тушда, ўқишдан қайтаётганда уни ўзим билан олиб кетаман. 1-мавсумда ҳам машғулотларга келгандик. Энг маъжул жиҳати, бу ерда вақтинчи синфдош дўстлари билан бирга ўтказамиз.

Болаларнинг вақтинчи мазмунли ташкил этилиши турли-туман танловлар ўтказилиши самарали. Оромгоҳда "Мен ҳам қулайла оламман", "Соғ танда — соғлом ақл", "Эртақлар — яхшилиққа етаклар", "Кичкина дизайнер", "Акойиб санъат", "Қўвноклар ва зукколар", "Мўйқалам сеҳри" каби қўнгилочлар танловлар ўтказилиши йўлга қўйилган. Танловларда болалар ёшига қараб алоҳида ёки гуруҳларга бўлинган ҳолда беллашади. Бугунги кичкина танловлар эртага халқаро миқёсдаги катта мусобақаларга қўйилган илк одимлар саналади, аслида. Бу болалар келажақда мамлакат ва миллат шарафини ҳўймоа қилади.

Мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича уринбосари Дилшод Юсуповнинг таъкидлашича, айни пайтда болалар 2-мавсум ёпилишига тайёргарлик кўрмоқда. 1-мавсумдан фарқли ўлароқ, бу мавсум ёпилишида деярли болалар томонидан тўғарақларда асалган безаклардан фойдаланилади. Қуй-қўшиқлар, рақслар, сахна кўринишлари, ёш спортчиларнинг чиқишлари ташкил этилади. Шунингдек, танлов голиблари ҳам шу кўни рағбатлантирилади. Кейинги мавсумда янада қизикarli машғулотлар билан болалар вақтинчи мазмунли ўтказиш режа қилинган.



Бу йил Ёшлар кунига бағишланган тантаналар ҳар қачонгидан кўра, кўтаринки руҳда ўтди. Ҳаётимизда унутилмас, тарихий аҳамиятга эга кун бўлди, десам муболаға эмас. Чунки бизга ўз ташаббусимиз билан кўнгилли бўлиб қилган неча йиллик меҳнатимиз маҳсулини тақдим этиш имконияти яратилди. Ўзбек интернет оламида матнли маълумот ва видеоконтентларни қўлайтириш учун алоҳида маблаг ажратилиб, зарур шароит яратилгани жуда қувонарли иш бўлди.

Викирейтингда кучли ўнталиқка кирамиз!



Меҳриноз АББОСОВА,
Ёшлар ишлари агентлиги
директорининг
давлат тили масалалари
бўйича маслаҳатчиси

Биз интернет асрида яшаямиз. Бир давлатнинг тилининг, миллатнинг борлиги интернет тармоқларида унга тегишли маълумотларнинг кўпчилиги билан ҳам белгиланмоқда. Ўзбек тилида маълумотлар яратиш йўлида биз кенг қўламли савий-ҳаракатларни бошлаган эдик. Шахсан давлатимиз раҳбари бунга эътибор қаратиб, шу йўналишда лойиҳамизни рўёбга чиқаришга имкониёт берганидан, ишонч билдирганидан жуда ҳам хурсандимиз.

Энг йирик интернет очик энциклопедияси Википедияда 316 та тилда

59 миллионга маълумот бор. Улар орасида ўзбек тилидаги маълумотлар 149 мингта ташкил этмоқда, холос. Маълумотлар кўпчилиги бўйича туркий тилли давлатлар ўртасида 4-ўриндамиз. Биринчи ўринга чиқиш эса энг катта мақсадимиз. Бу Википедиядаги жами маълумотнинг 0,2 фоизига тўғри келади. Жуда ҳам кам. Ҳатто 1 фоиз ҳам эмас.

Шу йилнинг 20 майдан викистипендия ҳаракатини бошладик. Минглаб ёшларни жаллаган ҳолда бир ойнинг ўзига 10 мингта мақола киритдик. Яъни ўзбекча википедия 2003 йили очилган бўлса, йилига 8 мингта мақола қўшиларди. Биз бир ойнинг ўзига 10 мингта мақола киритдик. Кўнгиллилар ҳаракати орқали шу натижага эришдик.

Бир ойлик натижа ҳақида айтиш осон. Шунча муддатда қўшимча 10 минг мақола киритилгани, 100 мингта таҳрир қилингани ва викирейтингда 62-ўриндан 58-ўринга кўтарилганимиз катта гап. Ҳадемай мақолаларимиз 150 мингта ташкил этади, 57-ўринга кўтариламиз. Умуман, кучли ўнликка кириш учун марра яқин қолди.

Бу ишни бирдан бошламадик. Википедияга мақола қандай тайёрланиши, талаблари, манбаларни топиш, энциклопедик аҳамиятга эга бўлиши учун ёндашувлар бўйича изландик. Ҳар бирининг энг майда жиҳатларига эътибор қаратган ҳолда видеодарслар, маҳорат дарслари тайёрлаб, ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларга жойладик.

Википедия марафонимиз 20 декабр-гача давом этади. Катта натижаларга эришишга умид қиламиз. Марафон бошлангичидан олдин 200 нафар фаол

қойдаланувчимиз бор эди. Ҳозир улар сони камида 500-600 нафарга етди. Ердамчимиз қанча кўп бўлса, шунча яхши. Шунинг учун тизимли ечимга киришмоқчимиз. Викитаблицани йўлга қўйиб, анъанавий қўғоз топшириқлар ўрнига викитопшириқ берсак, ўқувчининг дунёқараши ҳам кенгайди, вазифани бажариш ҳам мароқли бўлади.

Давлатимиз раҳбари ёшлар билан учрашувда матнли, видеоконтентларга ҳам тўхталди. Бу жуда муҳим. Оқдиди мисол: болаларимиз учун ўзбек тилидаги видеоконтент, анимацион фильмлар жуда кам. Биз болалар учун ўзбек тилидаги “Митти коинот” деган лойиҳани тақдим этдик.

Википедия, викистипендия билан интеграция қилаётган яна бир йирик лойиҳамиз бор. У matn.uz платформаси. Ўзбек тилидаги маттни таҳрир қилиб беради. Ундаги хатоларни тўзатади. Бундай платформага эҳтиёж жуда катта. Бу платформанинг дастлабки босқичи ишга тушган. Кирилл алифбосидан лотин алифбосига ўтириб беришдан ташқари имловий хатоларни тўзатади. Кейинги босқичда услубий хатоларни тўзатади. Сўнгги босқичга етганда сунъий онг билан ишлай бошлайди. У ҳатто сизнинг ҳис-ҳаяжонингиз, ёлғон-рост гапларингизнингизгача текшириб бера оладиган платформа бўлади. Бу платформадан турли соҳаларда фойдаланиш мумкин.

Ўзбек википедияси тарихида илк бор давлат раҳбари даражасида эътибор қаратилмоқда. Яқин орада дунё давлатлари орасида кучли ўнталиқка киримиз. Президентимиз билан учрашувдан кейин узимизга ишонч яна ҳам ошди.

Ўз йил ортда эмас, олдинда бўлайлик!

Жавлон ЖОВЛИЕВ,
Алишер Навоий номидаги
давлат адабиёт
музеий таянч докторанти,
ёш ижодкор

Шу аснода ҳаёлимга бир воқеа келди. Бу йил июнь ойининг биринчи ўн кунлигида Туркиянинг Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган Туркий дунё ҳикоялар фестивалида иштирок этар эканман, кунлар ўтгани сайин кўнгилдаги бир хижиллик сира ёзилмади, қайтаганга ортди. Адабиёт ва сўзни нақадар қадрламай, мухташам давралардан нақадар завқланмай, ўзимни эркин тўтолмадим; ичимдаги бўшлиқ тўлмади. Бу биринчи марта хорижга чиқишим ва Ватандан узоқда бўлишим эди... Юртимнинг бир ёш ижодкор фарзанди сифатида унга нақадар маҳкам болганганимни, ундан айро тувишим билан жисмида ҳам, руҳимда ҳам ҳеч вақо қолмаслигини англадим. Бунга тасаввур қилиш қулаб оғир эди. Мен Ватанини бошқача севишимни тушунадим. У менга нақадар зарурлигини ва биз унинг эртасига масъуллигимизни чуқур ҳис қилдим.

Давлатимиз раҳбари китобни, китоб ўқиганни инсонларни, ижод қилаётганларни яхши билишини, қузатишини ва алоҳида қадрлашини айтди. “Ёш китобхон оила”, “Мушоира”, “Зукко китобхон”, “Болалар ва ёшлар учун энг яхши китоб”, “Ёш китобхон” танловни қўлиб, ёш ижодкорлар билан суҳбатлашиб, ёзилаётган ҳар бир асар миллият тарихи ва ривож учун муҳим аҳамият касб этишини таъкидлади.

— Бугунги ёшларимизнинг салоҳияти, дунёқараши, билдирган тақдир ва ташаббуслари, мустақил фикрлаши,



келажак ва Ватан ҳақида, ўзининг жамиятдаги ўрни ва масъулияти ҳақидаги қарашлари барча ота-оналар, ўстоз-мураббийлар қаторида мени ҳам чексиз қувонтиради, — деди Президентимиз тантанали тадбирда.

Мулоқотда филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Карим беш йилдан бери ўтказилаётган китобхонлик танловининг доимий ҳакам сифатида беллашувнинг бориши, “Ёш китобхон”нинг болаларнинг китобга ва маърифатга ошно бўлишидаги аҳамияти, танлов шаффоф ва одилона ташкил этилгани, ўғил-қизлар ҳаётида катта бурилиш ясаётгани, китобхонлар саффи кескин кенгайгани ва энг муҳими, мутлоа ёшлар орасида оммалашаётгани учун миннатдорлик билдирди. “Элни маърифатли этиш ҳақидирнинг энг улўғ орузи эди. Мана бугун бизнинг “Китобхонлик” кўшкимиз ҳам ҳақид-ларимиз сиймолари билан безанган.

Жадид бобомиз, оташин шоир Чўлпон: “Кишан кийма, Бўйин эгма, Ки сен ҳам хур туғилгонсен!” дея ёшларга хитоб қилган. Мана бугун олдингизда турган китобхон, ижодкор ёшлар шундай хур ва озод ёшлардир. Уларнинг ижоди ҳам, дунёси ҳам эркин”, деди Баҳодир Карим.

Шу суҳбат чоғида ҳаёлимдан ўтган асрнинг 20-йилларида Германияга ўқишга юборилган 70 талаба келди. Уларнинг ҳаёти машъум хотиралар билан яқунланди. Аммо уларнинг орузсини рўёбга чиқариш имконияти бизда бор. Уқисак, ўргансак, интилсак, энг муҳими, Ватанга тиргак бўлсак, боболарнинг руҳи шод бўлади. Утган ўқув йилида биргина Президент мактабларини битирган ўғил-қизларнинг 102 нафари ёки 24 фоизи хориждаги етакчи олий таълим муассасаларида ўқиётгани чиндан таҳсинга сазовор. Энди улар сони ортishi ва мамлакатимиз ёшлари тўлиқ илм йўлига кириши керак.

Маҳмудхўжа Бехбудий 100 йил аввал миллият ёшларига мурожаат қилиб, шундай деганди: “Эй, ғайратлик ёшлар! Бир-бирингиз ила иттифок этўб, жамиятлар барпо қилиб, миллат йўлида хизмат этингиз. Миллат ва халқ сиздан ҳурмат ва яхшилик талаб этадур, нафсоният ва ғурур эмас... Бизнинг ҳаракатсизлигимиз биздан хурриятни кеткуриб, яна бошқаларга бизни асрик даражасига тушурур ва юз йиллар ила кейинда қўлиб кетаримиз!”

Бобомизнинг сўзлари бугун ҳам ўз долзарблигини, аҳамиятини йўқотгани йўқ. Бу ҳикматларга амал қилсак, юз йил ортда қўлайимиз, ақсинача, юз йил илгариларга кетамиз. Бу йўлда, шубҳасиз, илм-маърифат қанотимиз, таълим эса нажотимиз бўлади.

ҲУНАРМАНДЛИК

Акбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Тупроққа сайқал бериб, ажиб санъат асари, бетакрор маҳсулот яратишни касбиликлар қадимдан қойиллатиб келган. Зеро, Қашқадарёнинг Касби тумани Буюк ипак йўли ўтган манзиллардан бири ҳисобланади. Шундан бўлса керак, шундоққина Султон Мирхайдар ота зиёратгоҳи ёнида жойлашган қадимий Касби маҳалласи олдин ҳам, бугун ҳам қулоллар манзилидир. Агар йўлингиз тушиб шу маҳалла томон бориб қолсангиз, ҳар бир хонадон эшиги олдида чиройли қилиб терилган тандирларга кўзингиз тушади. Нега тандир? Сабаб — аксарият одамлар тандирчилик касбини чуқур эгаллаган. Лекин қулолликни асраб-ардоқлаб, замонавий шаклда ривожлантириб келаётганлар ҳам кам эмас.



ҚАДИМ КАСБНИНГ БУГУНГИ ЭЪТИРОФИ

Ана шулардан бири — Мухриддин Ўроқов. У қулоллар сулоласининг еттинчи авлоди. Болалигида бобосининг оддий тупроқ ва лойдан қироили қўзалар, ҳар хил идишлар ясаганини кўриб, бу касбга меҳри тушган бўлса, ажабмас. Тондан тунгача турли идишлар ясашиб, устакхона четига териб қўйилишига кўп бор гувоҳ бўлган бола келажакда бобоси каби қулол касбини эгаллашни оруз қилгани ҳам бор гап. Бугун унинг орзулари амалга ошган. Ҳунарли йигит хор бўлмас, деганларидек, бобосининг устакхонасига қадам ташларкан, Мухриддин ҳамиша бу ерда бошқача фойз ва барак борлигини ҳис қилади. Шу боис, доим ишида унум ва хайр бор.

— Устакхона ҳам, бу ерда мен фойдаланаётган дастгоҳлар ҳам бобомдан мерос, — дейди Мухриддин. — Ҳунарамандлик бизга авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Уста Мўмин, Уста Амин, Уста Ўроқ каби боболарим машҳур усталар бўлган. Улар қўлида сайқаланган қўза, хум каби идишларни Бухоро ва Самарқанддан ҳам келиб олиб кетишган. Боиси, улар жуда пишиқ, сифатли ва чиройли бўлган. Айниқса, қарвонлар олиб юрадиган сув идишлар ўша пайтда кўпчилиққа маъқул келган.

Касби қулоллик мактаби ҳам юртимиз маданий меросида ўзига хос из қолдирган, бой тарих ва қадриятларга эга мактаблардан бири саналади.

Бу ерда ўз ишининг ҳақиқий устаси бўлган қўлаб машҳур қулоллар яшаб ўтган. Бугун ота-боболари касбини давом эттираётган ёш қулолнинг ҳам орзулари юксак. Устакхонасини янада кенгайтириб, шогирдлар тайёрлашни мақсад қилган.

Утган йили Қўқонда ўтказилган, дунёнинг етмишдан ортиқ мамлакатидан етакчи ҳунарамандлар қатнашган халқаро ҳунарамандлик фестивалида Мухриддин ҳам ўзи ясаган буюмларини намойиш этди. Фестивалда унинг қўл меҳнати маҳсули кўпчилиқнинг эътирофига сазовор бўлди.

— Қулоллик аслида ҳаёт тақозоси, турмуш эҳтиёжи сифатида юзага келган касб. Яъни турли рўзгор буюмлари, ўйинчоқлар, қурилиш ашёларига эҳтиёж ортигани сари қулоллик ҳам ривожланиб бораверган. Кейинчалик халқ амалий санъати даражасига кўтарилган, — дейди ёш қулол. — Тажриба, ўз ишининг ҳақиқий устаси ясаган ҳар қандай буюм кўзни қувватиб, дилни яйратиши даркор. Шунингдек, фойдаланишга қўлай, сифатли бўлиши лозим. Ана шу жиҳатларни бир буюмда мужассам эта олган қулол ҳеч қачон кам бўлмайди. Бунга халқаро ҳунарамандлик фестивалида яна бир бор амин бўлдим. У ерда дунёнинг сўлаб давлатлари ҳунарамандлари олиб келган санъат асарлари билан танишдим. Уларни ўзимизнинг Касби қулоллари яратган қўза, хум, офтоба, гултувак, суттувак, тунгач, гавдуша каби буюмлар билан солиштириб кўрдим. Турри, дунёга машҳур қулоллар ва ҳунарамандлар ясаган буюмлар усти сирлангани, ялтироқлиги ва ранг-баранглиги билан киши диққатини тортади. Бизда эса қулоллик буюмлари сирланмайди. Сабаби, бундай буюмлар фойдаланиш учун жуда қўлай. Масалан, биз ясаган қўза ва хумларда ёзининг жазирамасида ҳам сувни салқин сақлаш мумкин. Сут, қатик, қаймоқ солиб қўйсангиз, ҳеч бир музлаткичсиз сифати бузилмайди.

Кўлолнинг таъкидлашича, ҳунарамандликнинг бу турини сақлаб қолиш, уни келгуси авлодлар ҳам давом эттириши учун бугунги рақобат муҳитига мослашиш, аҳоли эҳтиёжлари учун зарур буюмлар тайёрлашга кўпроқ эътибор қаратиш лозим.

— Ҳозир тандир, гултувак ҳамда рўзгор учун зарур буюмларни кўпроқ ясаймиз, — дейди Мухриддиннинг дадаси Мухиддин ака Ўроқов. — Маҳсулотларимиз азалдан ўз харидорига эга. Боиси, бундай идишларни энг замонавий технологиялар ёрдамида ҳам маҳоратли қулол каби ясаб олиш мушкул. Уларнинг ҳар бирида устанинг меҳнати, санъати, истеъдоди акс этиб туради. Шунинг учун қўлда ясалган буюмлар ҳамиша қадрланиб, эъзозланади.

— Жорий йил апрель ойида давлатимиз раҳбарининг Қашқадарёга ташрифи чоғида Касби тумани фаоллари билан суҳбатда ёшлар таълим-тарбияси, бандлик масаласида сўз борганди. Президентимиз учрашувда Касби тумани азалдан ўзига хос қулоллик ва гиламчилик мактаби билан машҳур бўлиб келганини таъкидлаб, “Ҳунараманд” уюшмасига ҳудудда ушбу йўналишларни ривожлантиришга кўрсатма берди. — дейди уюшманинг Қашқадарё вилояти бошқармаси бошлиғи Қажрамон Халилов. — Шу боис, ҳозир Касби туманидаги Қамаш қишлоғида гиламчилик мактаби ташкил этдик. Энди Касби маҳалласида қулоллик мактаби очиб қоралари кўриляпти.

Илгирманчи асрдан мамлакатимиз ҳудудларида асосий мактаблар ва марказлар ташкил этилди. Фарона ва Хоразм қулолчилиги анъанавий мовий ранггаги ишқорли сир тайёрлаш йўлга қўйилган. Улар ўзига хос безак-нақшлари ва буюмларнинг хилма-хиллиги билан ажралиб туради.

Юртимизда бадий қулоллик санъати ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши натижасида Касби қулоллик мактаби ҳам ўз ривожининг янги босқичини бошламоқда.